

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК: 297, 316

С – 18

САДИКОВА ГУЛХУМОР МАЗИТДИНОВНА

**Дин социологияси шаклланиши ва ривожда франциялик
олимларнинг тутган ўрни**

5А120602 - Диншунослик

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар:

т.ф.н. Алимова М.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Диншуносликни ривожланишида дин социологиясининг тутган ўрни	9
1. Диншунослик соҳасининг асосий тармоқлари.....	9
2. Дин социологиясининг диншуносликнинг таркибий қисми сифатида.....	25
I боб бўйича хулоса.....	39
II боб. Дин социологиясининг шаклланиши ва ривожланиши	41
1. Дин социологиясининг шаклланиш босқичлари.....	41
2. Дин социологияси ривожига Европа олимларининг қўшган ҳиссаси.....	51
II боб бўйича хулоса.....	63
III боб. Дин социологиясининг ривожланишида франциялик олимларнинг тутган ўрни	65
1. Э.Дюркгеймнинг социологик тадқиқотларининг аҳамияти.....	65
2. Жак Маритеннинг дин социологиясига оид қарашлари.....	70
III боб бўйича хулоса.....	77
Хулоса	79
Адабиётлар рўйхати	83

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги кунда диншунослик соҳаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этиб, кўптармоқли соҳага – динлар тарихи, дин социологияси, дин психологияси, дин феноменологияси каби фанларни ўзида бирлаштирувчи тизимга айланди. Зеро, демократик тамойилларга асосланган интеграция жараёнларининг чуқурлашиши, ўз навбатида, жамият барча соҳаларининг шиддат билан ривожланишига кенг йўл очмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганларидек: “Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги қуннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди”¹.

Диннинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳияти, динлараро муносабатлар, диний омилнинг жамият ҳаёти соҳаларига таъсири каби масалалар барча даврларда ижтимоий фанлар вакилларининг диққат эътиборида бўлиб келган. Маълумки, Ўзбекистон Россия империяси таркибида бўлган ва жаҳон ҳамжамиятидан ажратилиб яшаган бир даврда, XIX асрнинг ўрталарида Европада вужудга келган диншунослик фани анча йўл босиб ўтиб, кўплаб илмий натижаларга, ўзига хос ютуқларга эришди.

Муайян жамиятда диний таълимотнинг тарқалиши, унинг кишилар онгига таъсир даражаси (диний онг даражаси), ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётга таъсири ва ролини аниқлаш мақсадида социологик тадқиқотлар хулосаларига мурожаат қилинади. Кейинги икки аср давомида динни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганувчи дин социологияси фани анчайин ривожланди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 96.

Дин муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлиши, у олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тариқаси, уни идрок этиш усули, оламда инсоният пайдо бўлгандан то бизгача ўтган даврларни илоҳий тасаввурда акс этиши эканлигини инобатга олган ҳолда, диннинг фаолият тарзи билан кўпроқ дин социологияси шуғулланади. Социологик нуқтаи назардан қаралганда дин жамият учун зарурий нарса, ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмидир. У ижтимоий муносабатларни юзага келтирувчи ва амалга оширувчи омил сифатида намоён бўлади. Бунда муайян динга эътиқод қилувчи шахсга, жамоага ва умуман жамиятга, инсонлар ҳаётига таъсир кўрсатиши билан боғлиқ долзарб масалалар ўрганилади.

Дин социологияси ривожини франциялик олим ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишларисиз тасаввур этиш қийин. Хусусан, Э.Дюркгейм, Н.Ф.Де Куланж, Ж.Дюмезиль, Ж.Маритен каби кўплаб олимлар асарларида дин социологиясига алоҳида эътибор қаратилганини кўриш мумкин.

Умуман олганда эса, тадқиқот мавзусининг долзарблиги дин социологияси шаклланиши ва ривожда франциялик олимларнинг тутган ўрни атрофлича тадқиқ этиш зарурияти билан белгиланади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети: Тадқиқотнинг объектини дин социологияси фанининг шаклланиши, ривож, унинг диншунослик фанлари тизимида тутган ўрни ташкил этса, тадқиқотнинг предмети мазкур фаннинг шаклланиши ва ривожда франциялик олимларнинг роли ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари: Тадқиқотнинг мақсади дин социологияси фанининг шаклланиши ва ривожда франциялик олимларнинг тутган ўрни ёритиб беришдан иборат. Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- диншунослик соҳасининг асосий тармоқларини таҳлил этиш;
- дин социологияси диншуносликнинг таркибий қисми сифатида очиб бериш;
- дин социологиясининг шаклланиш босқичларини тадқиқ этиш;
- дин социологияси ривожига Европа олимларининг кўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш;
- Эмиль Дюркгейм социологик тадқиқотларининг аҳамиятини ёритиш;
- Жак Маритеннинг дин социологиясига оид қарашларини таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Ушбу магистрлик диссертациясида дин социологиясининг шаклланиш босқичлари, назарий ва амалий масалалари, шунингдек, мазкур соҳа ривожига катта ҳисса кўшган Европа олимларининг илмий ишлари, хусусан, Э.Дюркгейм ҳамда Жак Маритеннинг дин социологияси бўйича олиб борган изланишларига² асосий эътибор қаратилди.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили: Дин социологияси шаклланиши, ривожланиши, тараққиёт босқичлари россиялик диншунос ва социологлар томонидан ўрганилган. Жумладан, В.И.Гараджа ўз тадқиқотларида³ социологиянинг предмети, дин социологияси ҳамда унинг сиёсат, диншунослик ва бошқа ижтимоий фанлар тизимидаги ўрнини, шу билан бирга, европалик олимларнинг томонидан дин социологиясига оид қарашлари ҳақида маълумотлар берган. А.В.Гофманнинг⁴ илмий изланишлари Э.Дюркгеймнинг социологик қарашлари, тадқиқот усулларини тадқиқ қилишга бағишланган.

² Қаранг: Дюркгейм Э. Разделение общественного труда. - М., 1991. - 467 с.; Дюркгейм Э. Социология. Ее предмет, метод, предназначение / Пер. с фр., составление, послесловие и примечания А.Б. Гофмана. - М.: Канон, 1995. - 352 с Дюркгейм Э. Социология. Ее предмет, метод, предназначение / Пер. с фр., составление, послесловие и примечания А. Б. Гофмана.— М.: Канон, 1995. - 352 с.; Маритен Ж. От Бергсона к Фоме Аквинскому: очерки метафизики и этики / Пер. с фр. В. П. Гайдамака. — М.: Ин-т философии, теологии и истории св. Фомы, 2006. - 256 с.

³ Гараджа В.И. Социология религии. - М.: Наука, 1995. - 233 с.; Хрестоматия по социологии религии / Сост. Гараджа В.И., Руткевич Е.Д. - М.: Наука, 1994. - 775 с.; ўша муаллиф. Религиоведение. - М.: Аспект Пресс, 1995.

⁴ Гофман А.В. “Социологизм” как концепция Э.Дюркгейма //Историко-философский сборник. - М., 1972.

Ю.Н.Николаев⁵ ҳам дин социологиясининг долзарб масалалари ва мазкур соҳа ривожига ҳисса қўшган олимларнинг илмий қарашларини атрофлича ўрганган. А.И. Кравченко⁶ ўз рисоаларида социологиянинг вазифаси, умумий қонунлари, социал фактларнинг жамият ҳаётида аҳамиятини очиб берган. И.Н.Яблоков⁷ тадқиқотлари дин социологиясининг ижтимоий гуманитар фанлар тизимидаги ўрни, динийлик ва дунёвийлик масалалари, диннинг функцияларини чуқур ўрганишга қаратилган. С.И.Самыгин ўзининг “Религиоведение: социология и психология религии”⁸ китобида социология ва психологиянинг дин билан боғлиқ масалаларни батафсил ёритган.

Бундан ташқари европалик олимларнинг илмий ишларида ҳам дин социология, унинг тарихи, ривожланиши, унинг ривожига ҳисса қўшган олимларнинг илмий асарлари ҳақида маълумот берилган. Жумладан, Фюстель де Куланж⁹, Марсел Ревер¹⁰, М.Вебер¹¹, Э.Трельч¹², Э.Гидденс¹³ ва бошқалар мазкур мавзу бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Юқоридаги келтирилган тадқиқотлар таҳлили дин социологияси шаклланиши ва ривожига франциялик олимларнинг тутган ўрни мустақил тадқиқот объекти сифатида алоҳида ўрганилмаганини кўрсатади.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Диссертацияда илмий билишнинг тарихийлик, тизимлилик, мантиқийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

⁵ Николаев Ю.Н. Социология Эмиля Дюркгейма. – М., 1977.

⁶ Кравченко А.И. Социология. – М.: Академический Проект, 2008. – 512 с.

⁷ Яблоков И.Н. Социология Религии. – М.: Мысль, 1979. – 189 с.

⁸ Самыгин С.И. Религиоведение: социология и психология религии. – Ростов на Дону: Феникс, 1996. – 672 с.

⁹ Фюстель де Куланж Н. Гражданская община древнего мира // Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии. - М., 1996.

¹⁰ Marcel Rivière et Cie. La Philosophie bergsonienne: études critiques. – Paris, 1914.

¹¹ Вебер М. Социология религии (Типы религиозных сообществ) // Избранное. Образ общества. - М., 1994. – 260 с.; ўша муаллиф. Протестантские секты и дух капитализма. - М., 1990.

¹² Трельч Э. Социальные учения христианских церквей и групп // Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии. - М., 1996. Церковь и секта. - С. 226-238.

¹³ Гидденс Энтони. Социология. – Т.: Шарк, 2002. - 509 б.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти, дин социологияси ва унинг тараққиёти билан боғлиқ масалалар моҳиятини чуқурроқ англаб этишга хизмат қилади ва кейинги тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилишидадир.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унда ишлаб чиқилган назарий хулосалар ва умумлашмалар, амалий таклиф-тавсиялардан социология, фалсафа, дин фалсафаси ва социологияси каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

– дин социологияси илми ривож ва ундаги асосий қарашлар, назариялар ёритилди;

– дин социологияси тараққий этишида европалик олимларнинг ўзига хос тутган ўрни таҳлил қилинди;

– Э.Дюркгеймнинг диншунослик, дин социологиясига оид қарашлари ёритилди;

– Ж.Маритеннинг фалсафий-диний, социологик қарашлари, услуб ва назариялари ўрганилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи: Диссертация кириш, 3 боб, 6 та параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ҳар бир боб мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб ички қисмларга бўлинган.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг асосланиши долзарблиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқ этиш усуллари, мақсад ва вазифалари очиб берилган.

Ишнинг биринчи боби:

Диншуносликни ривожланишида дин социологиясининг тутган ўрни деб номланади у икки қисм:

1. Диншунослик соҳасининг асосий тармоқлари
2. Дин социологиясининг диншуносликнинг таркибий қисми

сифатида мавзуларидан иборат.

Ишнинг иккинчи боби:

Дин социологиясининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида фикр юритилган бўлиб:

1. Дин социологиясининг шаклланиш босқичлари
2. Дин социологияси ривожига Европа олимларининг кўшган ҳиссаси мавзулари билан ёритилган

Ишнинг учинчи боби:

Дин социологиясининг ривожланишида франциялик олимларнинг тутган ўрни деб номланиб:

1. Э.Дюркгеймнинг социологик тадқиқотларининг аҳамияти
2. Жак Маритеннинг дин социологиясига оид қарашлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ҳар бир боб ўз хулосалари билан яқунланган.

I боб. Диншуносликни ривожланишида дин социологиясининг тутган ўрни

1. Диншунослик соҳасининг асосий тармоқлари

Диншунослик фани ижтимоий-гуманитар фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган, ривожланган ва ҳозирда ҳам шу жараён давом этмоқда. Шунга кўра, диншунослик фани мазкур фанлар билан ҳамкорлик қилиб туташган ерида унинг турли соҳалари вужудга келган. Муайян жамиятда диний таълимотнинг тарқалиши, унинг кишилар онгига таъсир даражаси (диний онг даражаси), ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётга таъсири ва ролини аниқлаш мақсадида социологик тадқиқотлар хулосаларига мурожаат қилинади¹⁴. Кейинги икки аср давомида динни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганувчи дин социологияси фани барқ уриб ривожланди. Социологик нуқтаи назардан қаралганда дин жамият учун зарурий нарса, ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмидир. У ижтимоий муносабатларни юзага келтирувчи ва амалга оширувчи омил сифатида намоён бўлади. Бу динни жамиятда бажарган вазифаларига кўра ўрганиш мумкин демакдир.

Диннинг вазифалари унинг алоҳида шахсга ва жамиятга таъсири ва табиатдан келиб чиқади. Бунда ҳар бир дин унга эътиқод қилувчи муайян бир шахсга у ёки бу жамоага ва умуман жамиятга нима бериши, инсонлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатиши каби масалалар ўрганилади.

Диннинг ижтимоий вазифалари ҳақидаги таълимотни диншуносликда функционализм ривожлантиради. Функционализм жамиятга ижтимоий система сифатида қарайди: унда жамиятдаги ҳар бир элемент муайян функцияни бажаради. Социология ўз объекти доирасида социал ҳаётнинг турли, алоҳида томонлари билан ҳам шуғулланади ва бунинг натижасида фанда интеграл соҳалар вужудга келади. Жумладан,

¹⁴ Гараджа В.И. Социология религии. - М.: Наука, 1995. – С. 8.

ҳуқуқ социологияси, сиёсат социологияси, иқтисодиёт социологияси, индустриал социология кабилар¹⁵. Социология бу соҳаларда инсон ва унинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ўрни, ривожланиши, ҳаёт тарзи ва фикрлаш услуби каби масалаларни ҳал қилади. Социология ўзининг махсус объекти асосида яқка шахс фаолиятининг конкрет намоён бўлишини эмпирик даражада ўрганишни ҳам ўз ичига олади.

Социология фанининг фаолият майдони жуда кенг бўлиб, у инсоният ҳаётининг ҳамма жабҳаларини тадқиқ қилади. Шунингдек, маданий фанлар соҳасида, иқтисодий, сиёсий фанлар соҳасида ҳам ўз ўрнига эга. Ижтимоий ва гуманитар фанлар тизимида социология алоҳида ўринни эгаллайди. Бу бир нечта ҳолатлар билан белгиланади:

1. У жамият ҳақидаги, унинг ҳодисалари ва жараёнлари ҳақидаги фан ҳисобланади.

2. У ўз ичига умумий социологик назарияларни ёки ҳамма ижтимоий-гуманитар фанларнинг назария ва методологияси ҳисобланган жамият назариясини олади.

3. У жамият ва инсон ҳаётининг фаолиятининг турли томонларини ўрганувчи ижтимоий-гуманитар ва социал соҳани ўз ичига олади. Яъни, социология - ҳаётнинг у ёки бу соҳасини тадқиқ этувчи қонуниятлардир.

4. Инсон ва унинг фаолияти, техник ва услубий жиҳатдан ўтказилган социологик тадқиқотлар, гуманитар ва ижтимоий фанлар томонидан зарурий жиҳатдан ўрганилади ва ҳисобга олинади.

Фалсафа, иқтисодиёт, тарих, сиёсатшунослик, психология, диншунослик фанлари социологиянинг шаклланишига самарали таъсир кўрсатади.

¹⁵ Гараджа В.И. Религиоведение. – М.: Аспект Пресс, 1995. – Б. 20.

Социологиянинг фалсафа билан узвий алоқаси шунда кўринадики, умумсоциологик назариялар ва амалий социологик тадқиқотлар маълум методологик асосга таянадилар. Шундай асосни эса фалсафа фани яратади. Социология фалсафага нисбатан мустақилликни шунга асосланиб эълон қиладики, у ўз олдига ижтимоий муаммоларни, воқеликни илмий, англаш усули асосида ҳал этиш вазифасини қўяди.

Социология статистика фани билан ҳам мустаҳкам алоқада ривожланади. Бу икки фаннинг ўзаро алоқалари шу қадар яқинки, социологиянинг ривожланишини статистик ёндашувларсиз тасаввур қилиш қийин. Социология, шунингдек, иқтисодий назария, бошқарув назарияси, тарих, педагогика, ҳуқуқшунослик, политология каби фанлар билан ҳам мустаҳкам алоқада ривожланади.

Социология - муҳим аҳамиятга молик фан. Социология бошқа ижтимоий фанлар билан узвий боғланган. Барча ижтимоий фанлар инсон ҳулқ- атворини ўрганади, асосий эътиборини унинг турли жиҳатларига қаратади. Социология ижтимоий бирликлар, ташкилотлар, жараёнлар, муносабатларнинг юзага келиши, функционаллашуви ва ривожланиши қонуниятларини ўрганувчи фандир.

Социология яна шу маънода фан деб аташ мумкинки, унда мавжуд фактлар ва мантиқий далилларга асосланиб тадқиқотнинг тизимли усуллари қўлланилади ва назариялар яратилади. Инсонлар жамиятининг ривожланиб бориши билан социологиянинг олдига муайян саволларни қўядилар ва мунтазам тадқиқот ўтказиб, уларга жавоб топишга ҳаракат қиладилар, шу аснода фан бойиб, такомиллашиб боради. Янги мазмундаги ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий қилиб бориши билан социологиянинг ўрганиш объекти ўзгариб, унинг ўзи

ҳам янада ривожланиб боради¹⁶. Шунга асосан тадқиқот усуллари ҳам мукамаллашади.

Социология миллий мафқурани шакллантириш, яратиш жараёнида алоҳида ўрин тутди. Эскириб қолган дунёқараш, эскича моддий ва маънавий муносабатлар ўз ўрнини янгисига осонликча бўшатиб бермайди. Бунинг учун маълум вақт керак. Социология шу вақт давомида маънавиятда рўй бераётган ўзгаришларни аниқлашга ва илмий асосга эга бўлган тадбирлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаси бўлган дин ва диний эътиқод масаласи социология фанининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Социология жамият ҳаётини ўрганар экан, шу ҳаётнинг муҳим таркибий қисми бўлган ва айна пайтда унга кучли таъсир ўтказувчи омил – дин доимо унинг диққат маркази бўлган. Социология фанининг асосчиси ҳисобланган О. Конт (1798-1857) жамият тараққиётини даврларга бўлар экан, асосий мезонларидан бири сифатида динга мурожаат қилади. Унинг таснифида инсоният ўз ривожидида уч босқични босиб ўтади. Булар куйидагилар: теологик, метафизик ва илмий босқичлар. Контнинг фикрича, ҳар учала босқичда ҳам дин муайян рол ўйнайди¹⁷.

Ғарбда социологиянинг фанга айланиши О.Конт номи билан боғлансада, ундан кўп асрлар аввал ҳам Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва жамият муаммоси устида кўп бош қотирганлар.

Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва диний оқимларнинг одамлар ва жамият ҳаётига ўтказадиган таъсири борасида қанчалик чуқур фикр билдирмасинлар, дин социологияси махсус илмий йўналиш сифатида XIX аср охири - XX аср бошларида шаклланди.

¹⁶ <http://www.sociologu.ru> Социология в энциклопедиях.

¹⁷ Самыгин С.И. Религиоведение: социология и психология религии. – Ростов на Дону: Феникс, 1996. – С. 72.

Дин социологиясининг шаклланиши М. Вебер (1864-1920) номи ва илмий фаолияти билан боғлиқ. Социология фанининг асосчиларидан бири ҳисобланган немис олими М. Вебер ижодида динни социологик таҳлил қилиш марказий ўринни эгаллайди. Макс Вебер дин ва жамият муносабатини таҳлил қилар экан умуман дин тўғрисида эмас, муайян даврдаги муайян дин ёки диний оқим тўғрисида фикр юритади.

Макс Вебернинг фандаги энг катта хизматларидан бири унинг христиан динидаги протестантлик йўналишининг иқтисодий тараққиётга ўтказган таъсирини кашф этишида бўлди. Унинг назариясида кўра, бойликни, бойлик орттиришга интилишини унча хушламайдиган христиан дини йўналишлари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсқинлик қилганлар. Бойликни Худонинг неъматиде, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи, деб талқин қиладиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишига кучли туртки беради. Вебер талқинида, протестантлик капитализм вужудга келишидаги асосий сабаблардан бири бўлган.

Вебер издошилари унинг фандаги хизматларини кўкларга кўтариб мақташди. Унинг хизматларини эътироф этиш билан бирга, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у иқтисодий тараққиётга фақат бир диний мазҳаб – протестантликнинг ўтказган таъсирини кенг тадқиқ қилди.

М. Вебер динларни таҳлил қилар экан, улар саноат капитализми ривожланишига ғов бўлмоқда, деган хулосага келди. Вебер фикрича, динлар молиявий муносабатларга чекловлар қўйиш, ижтимоий ҳаётга пассив муносабатни тарғиб қилиш орқали ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилади¹⁸. Унинг талқинида христиан дини, айниқса, протестантлик ҳаётдаги адолатсизликни пассив кузатиб ўтирмай, уни

¹⁸ Қаранг: Вебер М. Социология религии (Типы религиозных сообществ) // Избранное. Образ общества. – М., 1994. – С. 52-65.

бартараф қилиш учун фаол курашга чақириш орқали ижтимоий тараққиётга катта туртки беради¹⁹.

Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари инсоният онги ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилган. Ғарб диншунос-социологи Эмиль Дюркгейм (1898-1913) мазкур соҳа бўйича кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борган. У ижтимоий-фалсафий қарашлардан ташқари дин социологияси асосларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратган. Олимнинг фикрича, нафақат дин балки барча соҳа ва институтлар ҳам ижтимоий характерга эгадир. Э.Дюркгейм қарашларини эътиборли жиҳати шундаки, гарчи динлар турли хил кўринишларда намоён бўлса ҳам, барча динларда ўзликни англаш учун моҳият бор.

Э.Дюркгейм ўзининг назарий методологик қарашларини тотемизмни ўрганишга қаратган. Бунинг асосий сабаби илк диний тасаввурларни айрим элементларини ҳозирги кунда ҳам учраб туришидир. Э.Дюркгейм фикрича, дин – маълум бир жамият шароитида ва маълум бир ижтимоий зарурият тарзида пайдо бўлган. Олим илк диний эътиқодларни айнан диннинг содда шаклини (яъни, диннинг барча даврлардаги ҳолати учун хос бўлган хусусият) ва жамият ҳаётининг асосий функциясини аниқлаштириш учун тадқиқ қилишга ундайди.

Олимнинг “Диний ҳаётнинг элементар шакллари” китоби - дин социологияси ривожига анча жиддий таъсир этган асардир²⁰. Э.Дюркгейм динни ижтимоий тенгсизлик ёки ҳокимият билан бевосита боғлиқ эмас, балки бир бутун ижтимоий институтларнинг табиати билан боғлиқ деб ҳисоблайди. У ўз ишида асосан Австралия аборигенларининг тотемистик эътиқодларини таҳлил қилиб, тотемизм нисбатан диннинг энг содда кўриниши бўлишига қарамай ҳозирги кунда ҳам динда

¹⁹ <http://www.sociolex.ru>

²⁰ Осипова Е.В. Социология Э. Дюркгейма. – М., 1977. – С.12.

муқаддаслаштирилган объектларни мавжудлигини таъкидлайди. Э.Дюркгейм динни таърифлашда, уни муқаддасликка ва дунёвийликка карама-қарши қўяди. Муқаддас нарсалар ва рамзлар, деб таъкидлайди у, одатдан ташқари дунёвий соҳани ташкил қилган психологик объектлардир. Тотемларни (хайвонлар ёки ўсимликларни) таом сифатида истеъмол қилиш диний маросимлардан ташқари вақтларда ҳам манъ қилинади. У тотемни муқаддаслаштирилишини қуйидагича изоҳлайди: тотем гуруҳнинг ўз рамзи ёки жамоанинг муҳим қадриятлари сифатида намоён бўлади.

Кишиларнинг тотемга бўлган иззат-хурмати уларнинг маълум ижтимоий қадриятларга бўлган эҳтироми туфайлидир.

Э.Дюркгейм динни фақат эътиқодлар тўплами, деб тушунмаслик кераклигини таъкидлайди. Ҳар қандай дин учун шу нарса характерлики, уларга ишонувчи кишилар гуруҳи иштирок этадиган доимий такрорланувчи диний маросимлар ва урф-одатлар мавжуд бўлиб, ўтказиладиган бу расм-русумлар туфайли уларда жамоавий ҳамкорлик юзага келади ва мустаҳкамланиб боради. Расм-русумлар кишиларни дунёвий ҳаёт ташвишларидан бир оз бўлса ҳам холи қилиб, улар ўзларида юксак олий ҳиссиётлар дунёсини ҳосил қилиб, олий кучлар билан қўшилиб кэтиш ҳиссини туядилар. Бу олий кучлар, яъни тотемлар, илоҳий мавжудотлар, худо ҳақиқатда эса, жамоанинг шахсга таъсир этишидир. Э.Дюркгейм нуқтаи назарича, маросим ва расм-русумлар жамият аъзоларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда, муҳим аҳамиятга эгадир. Э.Дюркгейм анъанавий турга доир кичик маданиятларда дин ҳаётнинг деярли барча томонларига сингиб кэтганини таъкидлайди²¹.

Диний урф-одат ва маросимлар бир жиҳатдан жамиятда янгича ғоя тафаккурни вужудга келтирса, бошқа бир жиҳатдан эса, тўпланган қадриятларни мустаҳкамлайди. Дин жамиятда нафақат ҳис-туйғу ва иш-

²¹ Яблоков И.Н. Социология религии. – М.: Мысль, 1979. – С. 26.

харакатларни давомийлигини, балки у анъанавий кичик маданиятларни ривожланишига ҳам туртки бўлади. Шунингдек, баъзи бир умумий фалсафий категориялар, жумладан, вақт, фазо, моҳият ҳам дастлаб диний тушунчаларда ифодаланади. Вақт тушунчаси, масалан, диний маросимларнинг давомийлигини ҳисоблаш зарурати туфайли пайдо бўлган.

Диний маросимлар ва расм-русумлар инсоният ҳаётининг оз қисмини ифодаласа ҳам жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Э.Дюркгейм Маркснинг анъанавий динлар (яъни ғайритабиий кучлар ва илоҳларга асосланган динлар) йўқолиш арафасида деган фикрига кўшилади. Лекин шу билан бирга дин маълум маънода ўзгарган шаклда сақланиб қолади. Ҳатто жамиятнинг ҳозирги замон тури ҳам уларнинг қадриятлари тасдиқловчи ва мустаҳкамловчи диний маросимларга эҳтиёж сезади. Эҳтимол, эски маросимлар ўрнига жамият учун муҳим аҳамият касб этувчи янги маросимлар пайдо бўлиши мумкин²². Демак, динлар жамият ҳаётида, инсон руҳиятида, сабабият ва моҳиятини англашда муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари диний ҳаёт тарзи ва унинг моҳияти ҳамда унда учрайдиган муаммоларни ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, дин социологияси ижтимоий фикрда дин атамаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий хулқни ўрганади. Мустақил Ўзбекистонда динга миллий қадрият сифатида қаралиши халқ онгида ушбу ҳодисага нисбатан тўғри, холис муносабатнинг шаклланишига замин бўлди. Бу борадаги ёшлар ва фикр тарбиясининг асосий йўналиши ҳам ислом динига хос бўлган инсонпарварлик тамойилларини онгга сингдириб боришни тақозо этади.

Дин – ўта мураккаб ижтимоий ҳодиса. У ўзига хос таркибга эга бўлиб, кишилиқ жамиятининг узоқ давом этган ижтимоий-тарихий

²² Гидденс Энтони. Социология. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 509.

тараққиёти ҳосиласидир. Унинг таркибий қисмига диний онг, маросим ва ташкилотлар киради. Диний онг диний дунёқараш таркибида муҳим ўрин тутди. Диний онг диний тасаввурлар, ғоялар, ҳис-туйғу ва кайфиятларни ифодалайдиган қарашлар тизимидир. Диннинг таркибий қисмлари каторида диний онг устувор аҳамиятга эга, чунки диний маросим ва диний ташкилот кишилар онгида ва жамиятда диний тасаввурларни мустаҳкамлайди ва сақланиб қолишига кўмаклашади. Диний онгнинг ўзаро боғлиқ ва нисбатан мустақил бўлган икки даражаси ёки босқичи мавжуд. Булар диний психология ва диний идеологиядир. Диний психология – кишиларнинг диний ҳис-туйғулари, одатлари, анъаналари ва кайфиятлари мажмуи. Диний идеология эса диний ташкилотлар орқали малакали диний шахслар тарғиб этадиган турли диний ғояларнинг муайян тизимидир. Диний психология ва диний идеология ўртасида муайян даражадаги умумийлик мавжуд. Бу умумийлик воқеликни саробий акс эттиришда, ғайритабиий кучларга сиғинишда намоён бўлади.

Тарихан диний психология диний идеологияга нисбатан олдин пайдо бўлган. Киши руҳияти барқарор воқелик эмас, чунки ижтимоий жараёнлар таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Шунингдек, амалиёт билан диний идеологияга нисбатан яқиндан алоқада бўлади. У кишиларнинг табиат кучларидан кўрқишлари, улар олдида таслим бўлишлари ва уларни илоҳийлаштиришлари натижасида шаклланади.

Диний идеология эса жамиятда меҳнат тақсимоли, синфлар ва давлатнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Диний психология тараққий этган сайин диний тасаввурлар ҳам такомиллашиб боради. Диний тасаввурлардан диний ғоялар шаклланган. Оқибатда қадимги диний эътиқод шакллари – сеҳргарлик, анимизм, фэтишизм, шомонлик ва бошқалар келиб чиққан. Диний идеология диний психологиядан фарқ қилади. Зеро, у муайян тушунча ва қарашларнинг тартибли тизимидир. Диний идеология инсоният тараққиётининг нисбатан юқори босқичларида

юзага келади. Уни руҳонийлар, коҳинлар, динни ўрганувчи файласуфлар ишлаб чиқадиладар ва тарғиб қиладилар.

Диннинг таркибий қисмлари қаторида диний онг билан бирга диний маросим ҳам аҳамиятга эга. Инсонлар динни ғайритабиий кучларнинг мавжудлигига ишонч ёки кишиларнинг ўзаро муносабати ва ҳаракатлари орқали ўз муносабатларини ифода этишлари мумкин. Бундай муносабатлар диний маросим деб аталади.

Диний маросим индивид, гуруҳ ёки табақаларнинг манфаатлари, ғоялари ва орзу-истакларини ифодалайдиган муносабатлар ва ҳаракатлар тизимидир. Диний ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар ва ҳаракатлар тизими диний таълимотни вужудга келтиради. Диндорлар диний маросим орқали мулоқотнинг бошқа воситалари самара бермайдиган вазифаларни бажарадилар. Унда ҳаракат ёки муносабат муайян сирли мазмунни ифодалайди. Ҳар бир ҳаракат ёки ўқилган дуо рамзий мазмун касб этади. Инсон ва сиғиниш объекти ўртасида ғайритабиий алоқа мавжудлигига ишонч мустаҳкамланади. Киши диний маросимларни бажариш билан ғайритабиий кучни ўз иттифокчиси ва мададкорига айлантиришга умид қилади.

Қадимда диний маросимнинг кенг тарқалган тури қурбонлик бўлган. Қурбонлик турли (озик-овқатларнинг бир қисмини ажратиш, ҳайвонлар сўйиш каби) усулларда амалга оширилган. Қурбонлик негизида бошқа диний маросимлар юзага келган. Жумладан, диний маросимнинг энг ривожланган шаклларида бири сиғиниш ҳам қурбонлик асосида шаклланди. Қурбонлик диний маросимини бажариш жараёнида ғайритабиий кучга сиғиниш юзага келган ва кейинчалик ундан ажралиб чиққан.

Сиғиниш диндорнинг сўз воситасида реал ёки уйдирма объектга таъсир қилишга қаратилган дуолари, рамзий хатти-ҳаракатлари

мажмуасидир. Кишининг қандай ҳис-туйғуларни ифодалашига қараб, уни олқишловчи, миннатдорликни ифодаловчи, гуноҳларнинг кечирилишини сўрашга йўналтирилган ва бошқа турларга бўлиш мумкин. Сиғиниш турли хатти-ҳаракатлар, хулқ-атворлар билан бирга моддий ҳодисаларни ҳам ўз ичига олади. Сиғинишнинг муҳим хусусияти ҳиссий-рамзий образларда ифодаланишидир. Сиғиниш таркибига турли удумлар, анъаналар, курбонликлар, дуолар, ўзини ҳаёт неъматларидан чеклаш (жумладан, рўза тутиш) кабилар киради. Сиғиниш у ёки бу предметни илоҳийлаштириш (масалан, Каъбадаги қора тош, айрим дарахтлар, муқаддас қабрлар, кадамжолар) воситасида амалга оширилади. Сиғинишда турли туморлар, тасбех, диний либослар ҳам муҳим ўрин тутди. Буларнинг барчаси биргаликда сиғинишга ҳиссий рамзий образ тусини беради ва кишининг руҳиятига қаттиқ таъсир қилади.

Сиғинишнинг алоҳида аҳамияти шундаки, киши ўз ҳаётининг маъносини энг олий қадрият – нариги дунёда эришадиган лаззат ва фаровонлик билан боғлайди, бу дунёдаги ҳаётининг ўткинчи эканлигига, ўзининг қандайдир ташқи қудратли куч томонидан идора этилишига ишонади. Швейцариялик олим К.Г.Юнгнинг фикрича, диний рамз (символ)лар инсон ҳаётига маъно бағишлайди. Унинг таъкидлашича, Америкадаги пуэбло қабиласининг ҳиндулари ўзларини Қуёш ота фарзандлари деб ҳисоблашади. Бу нарса уларга умид бағишлайди, тасалли беради, ҳаётини муайян мазмун ва маъно билан тўлдиради. Умид кишига куч-қувват бағишлайди ва инсонни ночор реал ҳаётдан ташқари келажакда кутаётган роҳатбахш дақиқалар сари ҳаёлан етаклайди. Ғайритабиий кучга ишониш кишининг кундалик азоб-уқубатларни ўткинчи бир нарса деб қарашига, ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмаслигига ёрдам беради²³. Чунки тақводор киши келажакда фаровон ҳаётга эришишига ишонади. Диннинг кучи ҳам ана шунда.

²³ Самыгин С.И. Религиоведение: социология и психология религии. – Ростов н/Д: Феникс, 1996. – С. 72

Кишининг худога ишониши бу дунёни ўткинчи сифатида англашига кўмаклашади, нариги дунёдаги “хаёти”га умид ва ишонч бағишлайди. Бундай ҳолатни мустаҳкамлаш учун дин турли-туман рамзий ходисалардан фойдаланади. Диний маросимлар онгга таъсир қилади²⁴. Бу таъсир жараёнида у нафақат ахлоқий-маънавий, балки эстетик воситалардан ҳам фойдаланади. Масалан, диний маросимлар ўтказиладиган жойлар – масжид, черков, синагогаларни безашга катта эътибор берилади. Бундай жойларда бўлган кишининг руҳиятида ўзгаришлар юз беради. Буни христианликнинг католицизм йўналиши мисолида ҳам кўрсатиш мумкин. Черковнинг ички ва ташқи қисмлари рассомчилик, ҳайкалтарошлик асарлари билан безатилади, маросимларга тантанали тус берилади, хор ва орган мусиқасидан фойдаланилади. Диндор черковдан ўзини енгил ҳис қилиб чиқади, диний билими кенгаяди, эътиқоди мустаҳкамланади. Ислом динида ҳам бадиий-ҳиссий усуллардан усталик билан фойдаланилади. Масалан, Қуръонни ёки бирор-бир дуони кироат билан ўқиш, оғзаки нутқ маданияти, нотиклик санъати усулларидан фойдаланиш ёрдамида бажарилади. Таъкидлаш жоизки, аксарият дин пешволари ва алломалар нутқининг таъсирчанлиги ҳатто баъзи машҳур профессорларникидан ҳам устун туради.

Дин таркибида эътиқод ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Эътиқод кишининг муайян ҳодиса, унинг хосса ва хусусиятлари ҳаққоний эканлигига ишончи. Ишонч эътиқоднинг асосини ташкил этади. Бироқ ҳар қандай ишонч ҳам эътиқодга айланавермайди. Гарчи ишонч ва эътиқод бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш бўлса-да, бироқ улар ўртасида фарқ ҳам мавжуд. Одатда, эътиқод деганда диний эътиқод тушунилади. Аслида, эътиқод диний ҳам, дунёвий ҳам бўлиши мумкин.

Диний эътиқод ғайритабиий кучлар ва ходисаларга ишониш, сиғиниш орқали шаклланади. Эътиқоднинг дунёвий кўриниши эса

²⁴ Қаранг: Ўша манба. – С. 186-192.

инсонни ўраб турувчи объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни ҳиссий тажриба ва илмий билиш асосида шаклланади. Диний маросимларни диндорлар якка тартибда ёки жамоага бирлашиб амалга оширадилар. Уларнинг жамоага бирлашуви осонликча кечмайди. Шу тариқа диний ижтимоий институтлар шаклланади. Бундай институтларнинг бошланғич бўғини диндорлар гуруҳидир. Дастлабки диндорлар гуруҳи меҳнат, уруғ жамоалари негизида юзага келганлиги боис бутун уруғ ёки қабила аъзоларини бирлаштирган. Диний маросимларда барча уруғ аъзолари иштирок этган. Диний тажрибанинг ортиб бориши билан диний маросимларни бажаришни ташкил этувчи ва бошқарадиган мутахассислар – шомонлар, сеҳргарлар – ажралиб чиққан. Улар аста-секин мазкур фаолият турини ўзлаштириб, касбий гуруҳларга бирлашганлар. Хусусий мулк, синфлар ва давлатнинг пайдо бўлиши билан диннинг ижтимоий вазифалари кенгайиб борган.

Диннинг вазифаларидан бири ҳукмрон синф ва давлат манфаатларига хизмат қилиш бўлган. Мавжуд сиёсий тизим ва ҳукмдорнинг шахси илоҳийлаштирилган. Жамиятдаги ўзгаришлар диний маросимлар ва институтларга ҳам таъсир этган. Диний маросимларнинг мураккаб тизимлари шаклланган. Нисбатан мустақил фаолият кўрсатадиган коҳинлар корпорацияси юзага келган. Диний корпорация фаолият турига кўра бирлашган кишиларнинг ташкилоти бўлган. Лекин у давлат аппаратининг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатган. Шу даврдан бошлаб коҳинлар алоҳида табақага бирлашганлар. Давлат тузуми ва ҳукмдорнинг муқаддаслаштирилиши коҳинларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаб борган. Коҳинлар ўз даврининг энг билимдон вакиллари сифатида давлатнинг сиёсий тизими шаклланишида фаол иштирок этганлар. Ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий институтларнинг

такомиллашуви жараёнида дин давлат сиёсий тизимининг таркибидан ажралиб чиққан ва мустақил фаолият кўрсата бошлаган²⁵.

Диний ташкилот ҳам давлатнинг сиёсий тизимидан мустақил фаолият кўрсатувчи ташкилотга айланган. Диний ташкилот диний қарашларга эга маслақдошларнинг муайян бирлиги бўлиб, умумий эътиқод ва сиғинишлар заминида юзага келади. У инсоният тарихий тараққиётининг турли босқичларида хилма-хил акс этади. Диний ташкилотлар кишилик жамиятида кескин синфий табақаланиш юзага келиши, ақлий меҳнатнинг нисбий мустақиллиги мустаҳкамланиши билан алоҳида ижтимоий мавқэга эга бўлиб боради.

Диний ташкилотлар масжид (черков), секта (мазҳаб), ҳаризматик маросим ва деноминация кабиларга бўлинади. Черков – диний қарашлар ва ғояларни ишлаб чиқадиган, сақлайдиган ҳамда алмашадиган, диний фаолиятни ташкил этадиган, диндорларни назорат қиладиган, иерархия тизими асосида бошқариладиган диндорлар ташкилоти. Черковга тааллуқлилиқ мустақил танлов асосида эмас, балки анъана билан белгиланади. Унга қабул қилиниш учун диндор махсус маросимдан ўтиши керак. Черков, одатда, диндорларнинг маросимларни бажаришлари ёки хулқ-атворларини қатъий назорат қилмайди. Черковга аъзолик анъанага кўра белгиланса, секта аъзолари эътиқодига кўра бирлашадилар. Секта (мазҳаб) – диний қарашлари ва маросимларидаги тафовутларига кўра расмий черковдан ажралиб чиққан гуруҳ ёки ташкилот.

Диний секталар, одатда, давлат ҳокимияти ва расмий черковга муҳолафатда туради. Шу боис, секта аъзолари давлат ҳокимияти ва расмий дин вакиллари томонидан таъқиб қилиниши мумкин. Сектага аъзолик қатъий тартибга солинади, уларнинг бошқа ташкилотлар билан алоқаси чекланади ёки тақиқланади. Секта аъзоларининг тенглиги эътироф

²⁵ Круглов В.А. Основы религиоведения. – М.: Минск. 2002. – С. 191.

этилади. Улар рухонийлар ва диндорларга бўлинмайди. Ҳаризматик маросим ташкил этилиш принципи (тамойили)га кўра сектага ўхшайди. Ташкилот ўткир заковатга эга шахс атрофида маслакдошларининг жипслашувидан юзага келади. Унда раҳбарнинг шахси илоҳийлаштирилиб, худо даражасига кўтарилади. Ташкилот аъзолари ўрнатилган тартиб-интизомга қатъий амал қиладилар. Ташқи алоқалари чекланади ёки бутунлай тўхтатилади, раҳбарга сўзсиз итоат этилади.

Ҳозирги динларда “деноминация” (лотинча *denominatio* – бошқа ном кўйиш, номини ўзгартириш) деган диний-ташкилий ҳодисани ҳам кузатиш мумкин. Илмий адабиётда бу ҳали чуқур ўрганилмаган. Бироқ деноминация ҳозирги замонда буддавийлик, христианлик, ислом ва иудаизм каби динларда катта аҳамиятга эга. Деноминация диний ташкилотларнинг оралиқ ёки воситачи шакли бўлиб, черков ва мазҳаблар оралиғида туради. Уни дин фалсафаси ва дин социологияси фанлари ўрганади. Диний ташкилотларнинг юқорида қайд этилган тартибда таснифланиши шартли аҳамиятга эга.

Ижтимоий ҳаётда юз бераётган мураккаб жараёнлар таъсирида уларнинг сифати ўзгариши мумкин. Секталар черковга айланиши ёки янги секталар юзага келиши мумкин. Ҳозирги даврда жаҳон дини даражасига кўтарилган динларнинг дастлаб секта сифатида юзага келгани ва узоқ ривожланиш босқичидан ўтгани фикримизнинг исботидир.

Мамлакатимизда диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 1998 йил 1 май (янги таҳрирдаги) қонуни асосида фаолият юритади. Мазкур қонун 1991 йил 14 июнда қабул қилинган вариантдан фарқ қилиб, диний ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мукамалроқ кафолатлайди. Динлар таркибида, диний ташкилотлардан ташқари, турли мазҳаблар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Мазҳаб муайян диний мафкураининг хусусий кўриниши, ортодоксал, яъни фундаментал диний идеологиядан қисман

фарқ қилувчи ёки унга мухолифатда бўлган диний маслакдошлар бирлашмасидир. Масалан, христианликда баптистлар, евангелистлар, кальвинистлар, лютеранлар, мурмонлар ва бошқа диний секталар мавжуд. Улар расмий христиан динининг айрим ғояларидан фарқ қилувчи диний тасаввурларни тарғиб қиладилар. Ислом динида ҳам шунга ўхшаш исмоилий, зайдий, низорий, друз ва бошқа диний мазҳаблар мавжуд. Шунинг алоҳида қайд этиш жоизки, мазҳаблар нафақат соф диний, балки кўпинча сиёсий ва ҳуқуқий асосга ҳам эга бўлади. Улар кўпинча ўзларининг сиёсий ва ҳуқуқий манфаатларини диний никоьда ифода этадилар. Жамиятдаги муайян табақанинг ҳукмрон сиёсий тартибдан ижтимоий норозилигини очик ифода эта олиши учун етарли шарт-шароитларнинг мавжуд эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлади.

Жамиятдаги ижтимоий адолатсизлик, давлатнинг бюрократлашуви фуқароларда норозиликни шакллантириши мумкин. Секталар эса буни диний қиёфада ёки дин воситасида ҳам ифода этишга ҳаракат қиладилар. Бундай уринишлар ривожлана бориб, очикдан-очик сиёсий тус олиши, диний давлат қуриш даъвосини юзага келтириши мумкин. Бунинг олдини олишнинг ягона йўли дунёвий кадриятларнинг устуворлигига эришиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг рўёбга чиқиши учун реал шароит яратишдир.

Дин ўз мавқеи ва инсон ҳаётидаги ўрнига кўра ижтимоий ҳаётнинг муҳим қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди ва аҳамиятига кўра турли вазифаларни бажаради. Одатда, дин дунёқараш, регулятив, интегратив, компенсаторлик, легитим (қонуний) ва шу каби бошқа вазифаларни бажаради. Диннинг дунёқараш вазифаси шундан иборатки, диндор атрофдаги нарса ва ҳодисаларни ўткинчи деб, яъни инсоннинг реал ҳаётдаги фаолияти нариги (боқий) дунё учун фақат асос, тайёргарлик деб билади. Диндор (диний дунёқарашга асосланган киши) умр мазмунини нариги дунёга тайёрланиш, бу дунёнинг

азоб-укубатлари ва адолатсизликларига сабр-қаноат қилиш, чидашдан иборат деб ҳисоблайди. У ўлимни ҳеч қандай қўрқувсиз қабул қилиши керак, чунки ўлим инсоннинг боқий ҳаётга ўтиш йўли, деб билинади.

Дунёқараш вазифаси шу ўринда диннинг таскин бериш (компенсаторлик) вазифаси билан уйғунлашиб кетади. Диннинг компенсаторлик (лотинча *compensare* – тенглаштириш, мувозанатлаштириш, тўлдириш деган маъноларни англатади) вазифаси кишиларнинг ҳаётини бойитади, диққатларини кундалик муаммолардан бошқа нарсаларга жалб қилади, уларни овутади. Мазкур вазифа орқали дин кишиларда эртанги кунига ишонч туйғусини шакллантиради. Уларни ҳаётий қийинчиликларга таслим бўлмасликка ва ҳар қандай шароитда худога ишончини йўқотмасликка ўргатади. Диннинг интегратив вазифаси жамият аъзоларини ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи, миллати каби хусусиятларидан қатъи назар бирлаштирувчи куч эканлигида намоён бўлади.

2. Дин социологиясининг диншуносликнинг таркибий қисми сифатида

Дин социологияси – инсоннинг ижтимоий турмушини ўрганиш, гуруҳ ва жамиятларни ўрганишдир. Бу ёрқин ва бутун вужудни қамраб оладиган машғулот бўлиб, ижтимоий мавжудот бўлган одамларнинг хулқ-атвори - унинг предметиدير. Дин социологияси нисбатан янги фан бўлиб, у нафақат янги замонавий жамиятни ўрганади, балки ўтган замон жамияти билан таққослаш ва уни ривожлантириш масалаларини ҳам ўрганади. Социология фани инсон хатти-ҳаракатларини яққол тушуниш йўлларини кўрсатиб беради. Инсон хатти-ҳаракати, хулқ атвори жамият тараққиётини кўрсатиб берар экан, бу борада Президентимиз “Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”, - деб

таъкидлаган.

Дин социологияси фани тўғрисида бир қатор олимларнинг фикрлари мавжуд: Огюст Контни бу фаннинг асосчиси деб биламиз, лекин, бир киши бутун бир фанга асос сола олмайди, дин социологиянинг ривожланишига кўпгина кишилар ўз ҳиссасини қўшган. О.Конт социология фанини ёш, лекин аҳамиятига кўра, энг мураккаб ва энг муҳим фан ҳисоблайди. Конт фикрича, янги фан инсоният бахт-саодатга эришувига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, деб таъкидлаган.

Яна бир француз социологи **Эмиль Дюркгеймнинг** фикрича, дин социологиясини фанга афланиши учун, жамиятда рўй бераётган “социал фактларни” ўрганиш лозим, деб жамиятда юз бераётган ўзгаришларни алоҳида эмпирик тарзда ўрганишни илгари сурган²⁶. Кўзга кўринган буюк социологлардан бири Макс Вебер социология фани тўғрисида гапирар экан, уни шундай тушунтирган: “...табий оламни тадқиқ этишда қўлланиладиган тартиблардан фойдаланган ҳолда, инсонлар ҳаётини ҳам ўргана олишимиз мумкин, деб ўйлаш унчалик ҳам тўғри эмасдир. Инсон-фикрловчи ва мулоҳаза юритувчи мавжудотдир; биз қилаётган ишларимизга кўпроқ маъно ва аҳамият берамиз ва инсон хулқ-атвори билан шуғулланадиган ҳар қандай фан, бу омилни албатта ҳисобга олиши лозим”²⁷, деб тушунтирилган.

Аниқроқ қилиб айтганда, у яхлит тизим сифатидаги жамият, алоҳида институтлар, ижтимоий гуруҳлар, жамият тузилмалари ва уларда юз берадиган ижтимоий жараёнларни ўрганувчи фан. Унинг тушунишича, социология жамиятга тааллуқли бўлган ҳамма нарсаларни ўз ичига олган жамиятшунослик билан бир қаторда турган.

Социология – инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятнинг таркибий қисмидир. У XVIII асрда кишилиқ жамияти ва

²⁶ Яблоков И.Н. Социология религии. - М., 1979. – С. 14.

²⁷ Вебер М. Социология религии (Типы религиозных сообществ) // Избранное. Образ общества. - М., 1994. – С. 200.

унинг қонуниятларини ўрганувчи мустақил фан сифатида тарих фалсафасида шаклланди. Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви ва илмий билимларнинг табақаланиши социологиянинг фалсафадан ажралиб, мустақил фанга айланишини муқаррар қилиб қўйди.

Маълумки фалсафий билимлар доираси жуда кенг бўлиб, уларнинг таркибига қўйидагилар киради:

- 1) Онтология – борлиқ ҳақидаги қарашлар.
- 2) Социология – жамият ҳақидаги қарашлар.
- 3) Гносеология – борлиқни билиш муаммолари.
- 4) Логика – инсон тафаккури қонунлари ҳақидаги қарашлар тизимлари.
- 5) Этика – ахлоқийлик ҳақидаги қарашлар.
- 6) Эстетика – гўзаллик ҳақидаги қарашлар²⁸.

Демак, бугунги кунда фалсафий билимлар доирасидан келиб чиқиб, дин социологияси фани ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганилмоқда.

Дин социологияси XIX аср бошларидан бошлаб ўзига хос илмий методлар асосида фалсафадан ажралиб чиқиш имконига эга бўла бошлади. Шунга кўра, социал системанинг тараққиёти ва фаолият кўрсатиш қонуниятлари ҳақидаги мустақил фан сифатида XIX аср 30-йилларида илмий муомалага “Социолгия” атамаси, сўзи киритилгандан сўнг шаклланди. Жамият ҳақидаги “позитив фан” (хақиқий фан) яратишга уриниш XIX аср ўрталарида юзага келди.

Социологиянинг асосчиси француз мутафаккири О.Конт социологияни жамият ҳақидаги тажрибага асосланган фан, деб ҳисоблайди. Унинг ватандоши Э.Дюркгейм дин социологиясининг предметини социал далиллар ҳақидаги фан, деб атайди.

²⁸ Гидденс Энтони. Социология. - Т.: Шарк, 2002. – Б. 56.

Ҳозирги кундаги адабиётларда дин социологиясига куйидагича таъриф берилган: “Дин социологияси - яхлит ижтимоий тузум сифатида жамият ҳақидаги ва унинг айрим таркибий элементлари (шахслар, ижтимоий бирликлар, институтлар) орқали бу тузумнинг амал қилиши ва ривожланишини ўрганувчи фандир. Дин социологиясининг объекти жамият ҳисоблансада, лекин унинг предметининг дастлабки босқичи сифатида жамият тушунчасини ажратиб кўрсатиш етарли эмас.

Социологиянинг илмий мақомини асослашнинг моҳияти унинг объекти ва предмети ўртасидаги фарқдан келиб чиқади.

Объектни билиш – тадқиқот объекти нимага йўналтирилганлиги ва объектив воқелик сифатида унга нима қарама-қарши турганлигини аниқлатади.

Ҳар қандай ходиса, жараён ёки объектив воқеликнинг ўзаро муносабати турли фанларнинг (физика, химия, биология, психология, иқтисодиёт, социология ва хоказолар) объекти бўлиши мумкин.

Предмет объект каби объектив воқеликнинг бир қисми ёки унинг элементлари йиғиндиси бўлиб, умумий ёки ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳар бир фан ўз навбатида предмети нуқтаи назаридан фарқ қилади.

Ижтимоий хусусиятларга эга бўлган кишилар, ижтимоий институтлараро алоқалар, ўзаро боғлиқликлар мажмуаси - дин социологиясининг объекти вазифасини ўтайди.

Объект ва предмет ҳамма вақт бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади. Чунки, объект моҳиятни тўғри тушуниш, илмий тадқиқот йўналишини холис белгилай олиш имконини беради.

Демак, дин социологиянинг объекти жамиятни бошқарувчи тафаккур қонуниятлари, рационал воситаларидир.

Социология жамият ҳақидаги умумий фан бўлибгина қолмай, балки махсус соҳалараро фан ҳамдир. У бошқа фанлар ўрганмайдиган ўз объектига эга. Унинг ўзига хос соҳаси социал реаллик бўлиб, у инсон ва

жамият муносабатининг ижтимоий-маданий муайянлигидир²⁹. Шу боисдан ҳам жамиятдаги ижтимоий алоқалар, ижтимоий ҳамкорликлар, ижтимоий муносабатлар ва уларнинг ўзаро ташкил этилиш усуллари социологиянинг объекти бўлади. Инсонлар ўзаро алоқаларга, ҳамкорлик муносабатларига киришишлари орқалигина муайян ижтимоий хусусиятларни намоён этиш имкониятларига эга бўладилар.

Социология ижтимоий муҳитни тадқиқ этганда умуммиллий тушунча ва категориялардан келиб чиқади. Хусусан, объектив ва субъектив, эркинлик ва зарурият, борлик ва онг каби фалсафий категориялардан фойдаланиб социологик объект моҳиятини талқин этади.

Социология социал объектни социал субъектлар орқали (шахс, гуруҳ, жамият, социал соҳалар, муносабатлар, одамларнинг социал фаолияти ва тафаккур тарзи) таҳлил қилади.

Социология турли социал соҳаларни тадқиқ этиш асосида уларнинг ўзига хос ижтимоий ривожланиш тенденцияларини аниқлайди. Муайян социал гуруҳлар таҳлили ва таснифи орқали у жамият ва инсон тўғрисидаги умумий қарашлар, қонунлар ва тенденцияларни яратади, ривожланиш қонуниятларини очиб беради.

О.Конт фикрича, объект ва предмет қарама-қаршиликлардан иборат. Социология ижтимоий ҳаёт жараёнларини 3 босқичда ўрганеди:

1. Аниқ- эмпирик
2. Хусусий (махсус)
3. Умумий.

Шунга мувофиқ равишда социология эмпирик, махсус ва умум-социологик тадқиқот жараёнларини ўз ичига олади. Социал деган тушунча социал алоқалар ҳамда муносабатлар ва уларни

²⁹ Ильин В.В., Кармин А.С., Носович Н.В. Религиоведение. – Сп-б.: Питер, 2007. – С.49

ташқил этиш усуллари, социология билиш объектининг ўзига хослигини очиб берса, социал қонуниятлар эса социология фани предметини аниқлаш учун бошланғич нуқта ҳисобланади.

Дин социологияси – инсонларнинг социал жамоалар ва социал жараёнларда тутган ўрни, улар ўртасидаги муносабатларни ўрганади.

Дин социологияси – айни вақтда жамият ва шахснинг иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маънавий ҳаётдаги фаолияти ва ижтимоий мазмунини тадқиқ қилади. Дин социологияси – жамият тузилиши, унинг элементлари ва уларнинг яшаш шароитларини ва шу тузумда содир бўлаётган диний, этник ижтимоий жараёнларни статистикасини ишлаб чиқади.

Дин социологияси – шахсга ижтимоий ҳаёт қонуниятлари орқали ижтимоий муҳитга кўникма ҳосил қилишга кўмаклашадиган, шулар билан бир қаторда инсонлар жамиятини ривожлантиришда социал ташкилотларнинг инсонларга мос, энг қулай вариантини топишда ва уни амалга оширишда жисмоний, эмоционал-психологик ва маънавий имкониятларни ишга солишга ёрдам берадиган фандир. “Чунки ҳаёт бор экан, инсон бор экан, ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, бу ҳаётни қандай ташқил қилиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшаши мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади”³⁰.

Ўз навбатида социологиянинг вазифаси жамият тараққиётини тامينлайдиган энг қулай вариантларни, ижтимоий-маданий моделларни топишдан иборатдир. Булар жамият ва инсоннинг ўз-ўзини такомиллаширишга қаратилган қонуниятлардир.

Социологиянинг вазифаси мураккаб социал дунёни ташқил этувчи ўзаро бирикувчи ва ҳаракат қилувчи тузилма ва механизмлар моҳиятини аниқлашдан ҳамда уларнинг ривожланиш тенденцияларини белгилашдан ҳам иборатдир.

³⁰ Гараджа В.И. Религиоведение. – М.: Аспект Пресс, 1995. – С. 54.

Бугунги кунда социология предметининг мазмун доирасидан:

1. Фалсафий герменевтика – янгича тус берилаётган натурализмдан фойдаланиб, уларни янгича талқин қилиш;

2. Гуманистик оқимни ривожлантириш

тенденциялари тобора залворлироқ мавқе касб эта бошлади.

Шундай қилиб, социология аниқ ижтимоий тизимлар амал қилишининг социал қонун ва қонуниятлари ҳақидаги, ушбу қонун ва қонуниятларнинг шахслар, ижтимоий гуруҳлар, бирликлар, синфлар, халқлар фаолиятида намоён бўлиши ва таъсир кўрсатиши механизми ҳақидаги фандир.

Социология учун социал деган тушунча асосий ҳисобланади. “Социал” тушунчаси биринчи марта Карл Маркс томонидан қўлланилган. У одамларнинг бир-бирига бўлган муносабати, ҳаёт тарзи, шароитлари ва далилларини ҳамда инсоннинг жамиятда тутган роли, ҳолатини таҳлил этганида “Социал” муносабатлар тушунчасини қўллаган³¹.

Маълумки, социал у ёки бу хусусиятнинг ва социал муносабатларнинг ўзига хос йиғиндисидир. Ҳар қандай социал муносабатлар тизими (иктисодий, сиёсий ва бошқа) одамларнинг бир-бирига ва жамиятга бўлган муносабатига тааллуқли ҳисобланади. Социал деган тушунчанинг ўзига хослигини характерловчи қуйидаги асосий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, бу хусусият турли гуруҳ, индивидлар учун тааллуқли ва улар томонидан социал муносабатларнинг у ёки бу хусусиятини интеграциялаш натижаси ҳисобланади.

³¹ Ильин В.В., Кармин А.С., Носович Н.В. Религиоведение. – Сп-б.: Питер, 2007. – С.140.

Иккинчидан, ҳозирги социал муносабатлар (иқтисодий, сиёсий ва бошқа) билан боғланган индивидларнинг ва уларнинг гуруҳлари ўртасидаги турли муносабатларнинг мазмуни ва характери ни англатади.

Учинчидан, социал жиҳат турли индивид ва гуруҳларининг бири-бирига, жамиятда тутган ўрнига, ижтимоий ҳаёт, воқелик ва жараёнларга муносабатида намоён бўлади.

Тўртинчидан, индивидлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсирнинг намоён бўлиши биргаликдаги фаолият натижаси демакдир.

Социология ижтимоий ҳаётни у ёки бу формада ва соҳада ўрганар экан, у аввало социал воқелик ҳақидаги билимларни шакллантириш, социал ривожланиш жараёнларини тасвирлаш, тушунтириш, социологиянинг асосий методологиясини ва социологик тадқиқот методларини ишлаб чиқиш каби илмий муаммоларни ҳал этади.

Социологик тадқиқотларнинг кўпчилик қисми амалий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган. Социологиянинг амалий йўналтирилганлиги шунда намоён бўлади-ки, у ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши ҳақидаги илмий асосланган маълумотни ишлаб чиқишга қодир. Шу ҳолатда социологиянинг олдиндан айтиб бериш функцияси намоён бўлади.

Жамият ҳаётида социологик тадқиқотлардан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини ривожлантиришни режалаштиришда фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Социал режалаштириш ижтимоий тизим қандай бўлишидан қатъий назар ҳамма мамлакатларда ривожланган.

Дин социологияси мафкуравий функцияни ҳам бажаради.

У биринчидан, табиий-тарихий жараёнларни англаш, жамият тараққиётининг яқин орадаги мақсадларини ва истикболларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Иккинчидан, илмий ва мафкуравий мунозарани бошқа қарашлар тизими орқали олиб бориш.

Учинчидан, аҳоли ўртасида илмий ва миллий мафкурани тарқатиш.

Тўртинчидан, малакали мутахассисларни тайёрлаш ва улар томонидан илмий мафкурани ҳар томонлама ўзлашириш. Социология одамлар ўртасидаги муносабатларни шакллантиришга, уйғун ҳиссиётларни ижтимоий муносабатларга хизмат қилдириб яхшилашга ҳам ёрдам бериши мумкин.

Шу туфайли социология инсонпарварлик функциясини ҳам бажаради.

Дин социологияси фанининг мураккаб вазифаларини назарий ҳал этишга хизмат қиладиган ўзига хос методлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

1. Қиёслаш ва таққослаш методи.
2. Назарий метод (фикрлаш, абстрактликдан конкретлик сари ўтиш).
3. Индуктив ва дедуктив метод.
4. Изоҳлаш методи.
5. Прогнозлаш методи (ижтимоий тўқнашувларнинг олдини олиш).
6. Интеграция, умумлаштириш методи.

Дин социологиясининг конкрет тадқиқотлар ўтказишда қўлланадиган эмпирик-амалий методлари ҳам бор. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Эксперимент методи.
2. Кузатиш методи.
3. Ҳужжатлар асосида ўрганиш методи.

4. Сўров методи.
5. Эмпирик-социологик метод (сўров, анкета, математик модел).
6. Математик метод.
7. Статистик умумлаштириш методи.
8. Умуммантиқий метод (анализ, синтез, абстрактлаш, умумийлик ва хоказо)³².

Социология жамият ҳақидаги умумий фан бўлибгина қолмай, балки махсус соҳалараро ҳам фандир. У бошқа фанлар ўрганмайдиган ўз объектига эга. Унинг ўзига хос соҳаси социал реаллик бўлиб, у инсон ва жамият муносабатининг ижтимоий-маданий муайянлигидир. Шу боисдан ҳам жамиятдаги ижтимоий алоқалар, ижтимоий ҳамкорликлар, ижтимоий муносабатлар ва уларнинг ўзаро ташкил этилиш усуллари социологиянинг объекти бўлади. Инсонлар ўзаро алоқаларга, ҳамкорлик муносабатларига киришишлари орқалигина муайян ижтимоий хусусиятларни намоён этиш имкониятларига эга бўладилар. Инсоният қадимдан ўз хатти-ҳаракатларининг сабаби ва келиб чиқишини ўрганишга ҳаракат қилган. Буни ўрганишда диний назария асосида ва мумтоз усул ҳисобланган фалсафий фикр юритиш орқали тушунишга ҳаракат қилган. XVIII аср охирларига келганда жамиятни ва инсонлар хатти ҳаракатини тизимли равишда ўрганишга киришилди. Бунга инсонлар жамиятидаги кескин ўзгаришлар индустирлаштириш (саноатлашиш, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти ўртасидаги фарқнинг кучайиши) ва урбанизация (миллий, диний ва ижтимоий келиб чиқиши турли туман бўлган кишиларнинг шаҳарга кўчиб келиши)³³.

³² Кравченко А.И. Социология. – М. Академический Проект, 2008. – С. 51.

³³ Қаранг: Сорокин П. Система социологии// Религия и общество. Хрестоматия по социологии. Ч.1.С.162-167

Социология ижтимоий ҳаётни ўрганиш борасида шу йўналишдаги фанлар ичида антропология, иқтисодий назария ва политология фанлари билан бир қаторда туради.

Дин социологияси бизнинг турмушимизда жуда кўп амалий таъсир ўтказди. Социологик тафаккур ва тадқиқотларнинг амалий сиёсат ва ижтимоий ислоҳотларга ўтказадиган таъсири бир неча йўналишларда бўлади. Энг бевосита усул – ижтимоий вазиятнинг аниқроқ ва тўғрироқ тушунилишини таъминлашдир. Бу мавжуд билимлар даражасида ёхуд у ёки бу ҳодиса нима учун юз бераётганлигини назарий англаш орқали амалга ошади. Ҳаёт андозаларини яхшилашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар хато эмас, тўғри маълумотларга таянгандагина муваффақиятга эришиш эҳтимолини яратади. Бирор бир муаммо ҳақида қанча кўп маълумот тўпласак уни бартараф қилиш эҳтимоли шунчалик ортиб боради. Социология фани тизимида социал муносабатлар жуда муҳим ўрин тутади. Чунки у орқали жамият аъзолари бир-бирлари билан маълум бир муомала ва ижтимоий ҳамкорликка интиладилар. Социологиядаги бу махсус соҳа ўзининг ўта долзарблиги ва муҳимлиги билан бошқа муаммо ва масалалардан ажралиб турсада, у хали мутахассислар томонидан тўлиқ илмий ва системали равишда ўрганилмаган ҳамда илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Мавжуд адабиётларни чуқурроқ таҳлил қилинадиган бўлса, шундай хулосага келиш мумкинки, юқорида кўрсатилган фикрларда қимматли асослар борлигини билса бўлади.

Социал муносабатлар тушунчаси кўпгина адабиётларда 2 хил даражада: кенг ва тор маънода талқин қилинган. Кенг маънода тушуниш – социал муносабатларни бутун бир ижтимоий муносабатлар тизими билан тенглаширишдир ва улар орасидаги фарқларга кўп эътибор бермаслик билан боғлиқдир.

Тор маънода социал муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир муҳим элементи ва тури деб интерпретация қилинади. Социал муносабатлар кенг маънода қуйидагича таъриф билан белгиланган .

Социал муносабатлар – бу, табиат ҳодисаларидан ўлароқ бўлиб, унда ижтимоий муносабатларнинг бутун бир тизими мужассамлашгандир.

О. Конт ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини худди биологик ҳодисалар усули билан ўрганиш принципларини кенг тарғиб қилади. Позитивистик-натуралистик йўналишнинг ашаддий рақиб бўлган феноменологик социология социал ҳаёт ва социал муносабатларни бундай усулда талқин этганлиги учун О. Конт ва унинг издошларини кескин танқид қилади. Натурализмнинг ва жиддий камчилик ва хатоликларини бартараф этиш учун феноменологик социология, инсон онгининг фаоллиги бу муаммолар ечимининг асосий омилидир, деб исботлашга интилади. Бу йўналиш вакилларининг фикрича, фақатгина инсон ва унинг тафаккури туфайли социал воқеликни ҳамда социал муносабатларни конструкциялаш (яратиш) мумкин. Чунки социал реаллик ва социал муносабатлар инсоннинг интерпретацион фаолияти орқалигина вужудга келади. Феноменологик социологиянинг таниқли вакилларида бири Д.Силверман юқоридаги ғояларни асослаш учун позитивистик социология назариясини танқид қилади³⁴.

Албатта, бу ижтимоий фикрлар вужудга келгандан бери анча вақтлар ўтди, янги жуғрофий-сиёсий мақомлар пайдо бўлди. Энг муҳими эса, тоталитар тузум барҳам топиб, янги давлатлар вужудга келди, янги жамиятда бир партиявийлик ҳукмронлиги емирилди ва мустақил суверен давлатлар барпо бўлдилар. Энди эса жамиятдаги жараёнларни, жумладан, социал муносабатлар муаммоларини кенг плюралистик принцип орқали

³⁴ Яблоков И.Н. Социология религии. – М.: Мысль, 1979. – С. 89.

тадқиқ қилиш даври келди. Бу тамойил орқали, социал муносабатларнинг муаммо ва вазифаларини турлича таҳлил қилиш имконияти туғилди. Ушбу ижобий имкониятларнинг ҳосили сифатида республикада социал муносабат муаммолари жаҳон илмий тафаккурининг ҳар хил йўналиш натижалари асосида тадқиқ қилинаётганлигини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Социал бирдамлик тушунчаси социал муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутди. Чунки бирдамлик – бу, кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини хал қилишларидаги ҳамкорлиги кўринишидир.

Аввалом бор шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, социология фанига бу атама социал жипслашувни билдирадиган тушунча сифатида биринчи бўлиб О.Конт томонидан киритилган еди. Бу муаммога кўгина мутафаккилар ўзларининг кенг эътиборларини қаратганлар. Айниқса Э.Дюркгейм, Г.Спенсерлар бу муаммони чуқур таҳлил қилганлар, лекин улар ўз тадқиқотларини турли хил йўналишларда олиб борганлар. Э.Дюркгеймнинг фикрича, социал бирдамлик, бу ахлоқий принцип ва олий универсал қадрият бўлиб, у жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан тан олинади. О.Конт ва Г.Спенсерларнинг тадқиқотларида социал бирдамликнинг асосини иқтисодий мафаатлар ташкил қилиши марказий ўринни эгаллайди³⁵.

Г.Спенсер ўзининг бирдамлик таълимотида мажбурий ва кўнгилли бирдамликни ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, кишилик жамияти ўз ривожланиш йўлида иккита ҳарбий ва саноат даврларига бўлинади. Бутун ҳаёт бу ерда интизомга асосланган. Саноат туридаги жамият эса осойиша ижтимоий ҳамкорликнинг эркин шакллари ифода этади. Муаммонинг иккита жиҳатга ажратиб таҳлил қилинишни Э.Дюркгеймнинг ҳам илмий

³⁵ Николаев Ю.Н. Социология Эмиля Дюркгейма. – М., 1977. - С. 87.

фаолиятида кўриш мумкин. У ўз таълимотини механик ва органик бирдамликка ажратади. Ривожланмаган ва эски жамиятларда ҳукмронлик қиладиган бирдамликни Дюркгейм, механик бирдамлик, деб атайти.

Механик бирдамлик – бу, “жамоа туридаги” бирдамлик бўлиб, у бу жамоадаги индивидларнинг ўхшашликлари билан белгиланади ва улар томонидан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарилади³⁶. Жамиятда ижтимоий меҳнатнинг тақсимлашиши туфайли индивидлар махсус вазифаларини бажарадилар ва бу ҳислатлар сабабли жамият жонли организмни эслатади. Шу жамиятда вужудга келган янги турдаги бирдамликни Дюркгейм, органик бирдамлик, деб атайти. Меҳнатнинг тақсимланиши индивидларда ўзларига хос қобилиятларнинг ривожланишига омил бўлади. Энди ҳар бир индивидларнинг ўзи эса бир-бирларига боғлиқ бўладилар ва улар социал муносабатларнинг ягона тизими орқали бирдамлик туйғуларига эришадилар.

Кўпгина ғарб олимлари ижтимоий мулкка асосланган кооперациянинг сермахсуллигини инкор этиб келадилар. Уларнинг фикрича, бутун жамият билан ишлаб чиқариш воситаларини гуруҳлар мулки қилиб бериш керак. Агар ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк хусусиятига эга бўлса, “маъмурият” халқдан ажралиб қолади ва шу сабаб туфайли бюрократ бошқарувчилар ташкилоти вужудга келиши мумкин. Ўз-ўзидан, табиийки, бу жараёнлар натижасида ишчилар ўз меҳнатларидан мафаатдорликни ҳис қилмайдилар³⁷.

Дин социологиясининг жамият ҳаётидаги мавқеи ва роли, уни ўрганиш орқали кўпчиликка маъқул келадиган қарорлар чиқаришда кўмаклашиши, жамият маънавий ҳаётига таъсир ўтказиш усулларини яратишда ва инсонлар жамиятининг тараққий этиши учун хизмат қиладиган фанлардан бири десак, муболаға бўлмайди.

³⁶ Қаранг: Сорокин П. Система социологии // Религия и общество. Хрестоматия по социологии. Ч.1. - С. 62-76.

³⁷ Гараджа В.И. Социология религии. – М.: Наука, 1995 – С. 163.

Дин социологиясини ўрганиш ва ижтимоий ўз-ўзини англаш ўртасида алоқадорлик мавжудлиги исбот талаб қилмайди. Дин социологиясининг бой тажрибасидан бахраманд бўлган бирор инсон ҳозирги кунда мавжуд бўлган тенгсизлик, кўп вазиятларда ижтимоий адолатнинг йўқлиги каби масалаларга бефарқ қараб тура олмайди. Агар социологлар амалий фаолиятда иширок этмаса, таажубланарли бўлар ёки уларга социологик тажрибадан фойдаланишни ман қилиш мантиқ ва амалиётга зид бўлади .

Социологиянинг жамият ҳаёти билан хилма-хил алоқаси, унинг ижтимоий вазифаси биринчи навбатда у бажараётган функциялар билан аниқланади. Ҳар қандай соҳа каби дин социологиясининг энг асосий функцияларидан бири назария ва амалиётнинг бирлигидир.

I-боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, дин социологияси муаммосини янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Енди бу муаммони конкрет социологик тадқиқот билан ўрганиш асосли равишда кўрсатилди. Чунки Социология нафақат бу муаммонигина емас, балки бутун ижтимоий ҳаёт жараёнларни кенг қамровда комплекс характерда ва амалий натижалар асосида чуқур тадқиқот қилади. Дин социологиясида кўйидаги методологик масалаларга ҳам жиддий ётибор берилади:

1. Функционал методология (жамиятдаги ходисаларнинг ахамиятини аниқлашга интилади).
2. Феноменологик методология (жамият аъзоларининг мавқеини аниқлашга ҳаракат).
3. Таснифлаш методологияси (бу қўлланишига кўра классификация, гуруҳлаш, таққослаш, турлаш, системалашаришларни ўз ичига олади). Шунингдек, дин социологияси муайян ижтимоий муносабатларни тадқиқ

етиш асносида умумий, махсус ҳамда эмпирик методология тамойилларига ҳам таяниб иш тутади.

Дин социологияси объектини турлича тушуниш натижасида методологиянинг 3 асосий тури ажратиб кўрсатилди:

1. Тушунтирувчи (динниг умумий қонуниятларни, объект хусусиятини, хислатини белгилайди, у орқали алоқа, муносабат ўрнатишни назарда тутади) методология.
2. Таърифловчи (яъни динни тавсифлаш, классификациялаш, гуруҳлаш, таққослаш, турлаш, системалашириш) методология.
3. Тушунувчи (яъни, инсон фаолиятини ўрганишда табиий ҳамда ижтимоий фанлар қонуниятларидан уйғунлашириб фойдаланишни тақозо етувчи) методология.

II-боб. Дин социологиясининг шаклланиши ва ривожланиши

1. Дин социологиясининг шаклланиш босқичлари

Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва диний оқимларнинг одамлар ва жамият ҳаётига ўтказадиган таъсири тўғрисида қанчалик чуқур фикр билдирмасинлар, дин социологияси махсус илмий йўналиш сифатида XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланди. Дин социологияси диний жамоалар ўртасидаги мулоқот, уларнинг орасида келиб чиқадиган зиддиятлар сабаблари, диний маросимлар асосини нималар ташкил қилиши ва уларнинг қаердан келиб чиққанини ўрганувчи фанлардан бири ҳисобланади.

Дин социологияси VIII - XIX асрларда Ғарбда вужудга келган. Дин социологиясининг вужудга келишининг асосий сабабларидан бири, ўша даврдаги ижтимоий вазият ҳамда динни жамият ҳаётидаги ўрни бўлган.

Бу муаммоларни ечишда француз социологи О.Конт илк қадамларни қўйган. Социология орқали у ғарбдаги ижтимоий ҳолатни кескин ўзгаришини яхшиланишини кўриб чиққан. У буни жамиятда динни роли орқали амалга оширишни ва ижтимоий тангликни тартибга солишни 3 асосий босқичини илгари сурган. Биринчи босқич диний бўлиб инсоният онгида исбот талаб қилиб бўлмайдиган субъектив ҳақиқатлар мавжудлиги илгари сурилади. Иккинчи босқич фалсафий, яъни метафизик босқич бўлиб, мавҳумлик айна ҳақиқатлиги илгари сурилади. Учинчи босқич позитив босқич бўлиб, бу босқичда фан ёрдамида нарсаларнинг мавжуд ҳолатига тўғри баҳо беришлик тушунилади³⁸. Юқоридаги 3 босқич барча ижтимоий ташкилотларнинг асоси ҳисобланади.

³⁸ Кравченко А.И. Социология. – М.: Академический Проект, 2008. – С. 112.

Дин социологиясининг вужудга келиш ва ривожланиш босқичлари асосан XIX асрларга тўғри келади. М.Вебер, М.Мюллер, Э.Тайлор, Ж.Фрээр, Э.Дюркгейм, Н.Ф.Де Куланж, Ж.Дюмезиль, Ж.Маритен каби кўплаб олимлар асарларида дин социологиясига алоҳида эътибор қаратилганини кўриш мумкин.

Дин социологиясининг шаклланиши М. Вебер номи ва илмий фаолияти билан боғлиқ. Социология фанининг асосчиларидан бири ҳисобланадиган немис олими М. Вебер ижодида динни социологик таҳлил қилиш марказий ўринни эгаллайди³⁹. Барча динларни инкор қилиб, уларни халқ учун афъюн, деб эълон қилган Маркс таълимотидан фарқли ўларок, Макс Вебер дин ва жамият муносабатини таҳлил қилар экан умуман дин тўғрисида эмас, муайян даврдаги муайян дин ёки диний оқим тўғрисида фикр юритди.

Макс Вебернинг фандаги энг катта хизматларидан бири, унинг христиан динидаги протестантлик мазҳабининг иқтисодий тараққиётга ўтказган таъсирини кашф этишида бўлди. Унинг назариясига кўра, бойликни, бойлик орттиришга интилишни унча хушламайдиган христиан дини мазҳаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсиқлик қилганлар. Бойликни худонинг неъматини, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи деб талқин қиладиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишига кучли туртки берди. Вебер талқинида, протестантлик капитализм вужудга келишидаги асосий сабаблардан бири эди⁴⁰.

Вебер издошлари унинг фандаги хизматларини кўкларга кўтариб мақташди. Унинг хизматларини эътироф этиш билан бирга, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у иқтисодий тараққиётга фақат бир диний мазҳаб-протестантликнинг ўтказган таъсирини кенг тадқиқ қилди.

³⁹ Қаранг: Социология религии (Типы религиозных сообществ) // Избранное. Образ общества. - М., 1994. - 260 с.

⁴⁰ Қаранг: Вебер М. Протестантские секты и дух капитализма. - М., 1990.

Динларини таҳлил қилар экан, М. Вебер улар саноат капитализми ривожланишига ғов бўлмоқда, деган хулосага келди. Молиявий муносабатларга чекловлар қўйиш, ижтимоий ҳаётга пассив муносабатни тарғиб қилиш орқали бу динлар, Вебер фикрича, ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилади. Унинг талқинида христиан дини, айниқса протестантлик мазҳаби ҳаётдаги адолатсизликни пассив кузатиб ўтирмай, уни бартараф қилиш учун фаол курашга чақириш орқали ижтимоий тараққиётга катта туртки беради.

XX аср ўрталарида социология фанида “фуқаролик динлари” тушунчаси пайдо бўлди. Бу тушунча илоҳий кучлар ва ҳодисаларга эмас, ижтимоий турмушдаги нарса-ҳодисаларга сиғинишни англатади. Масалан, Буюк Британия, АҚШ каби мамлакатларда байроқ, мадҳияга чексиз ҳурматни, тахтга ўтириш ва иннаугурация маросимларини бу тушунча тарафдорлари диний маросимлар билан тенглаштирадилар. Собиқ Совет Иттифоқида Маркс, Энгельс, Ленин шахслари амалда илоҳийлаштирилган эди. Улар шаънига, айниқса, Ленин шаънига бирор танқидий гап айтиш манъ қилинган, уларнинг ишлари ва гапларини фақат мадҳ этишга ижозат берилган эди. Бу ҳодисалар XX аср иккинчи ярмидаги диний социология йўналишларида фуқаролик динлари⁴¹, деб аталди.

Шундай қилиб дин социологияси ижтимоий фикрда дин атамаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий хулқни ўрганadi. Мустақил ўзбекистонда динга миллий қадрият сифатида қаралиши халқ онгида ушбу ҳодисага нисбатан тўғри холис муносабатнинг шаклланишга замин бўлди. Бу борадаги ёшлар ва фикр тарбиясининг асосий йўналиши ҳам ислом динига хос бўлган инсонпарварлик тамойилларини онга сингдириб боришни тақозо этади.

⁴¹ Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс-Традиция, 2001. – С.58.

Интегратив ёки функционалистик ёндашувнинг асосчиларидан бири Э.Дюркгеймнинг фикрича, дин худди елим каби кишиларни умуммаънавий қадриятлар, эътиқод, урф-одат ва анъаналар асосида бирлаштиришга, яхлит бир мажмуага айлантиришга хизмат қилади. Э.Дюркгейм, айниқса, диний сиғиниш масаласига алоҳида эътибор беради. Унингча, дин сиғиниш орқали жамиятни бир бутун қилади, шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлайди ва итоат этишга ундайди, ижтимоий яхлитликни мустаҳкамлайди, анъаналарни қўллаб-қувватлайди, кишида қаноат ҳосил қилади⁴².

Диннинг интегратив вазифаси билан регулятивлик (лотинча *reguare* – муайян тартибга бўйсундириш, тартибга солиш, ўрнатиш деган маъноларни англатади) вазифаси узвийдир. Регулятивлик вазифаси диний ҳулқ-атвор нормалари воситасида ижтимоий муносабатларни тартибга солади, ушбу нормаларни диндорларнинг бажаришларини назорат қилади. Бундай нормаларга диний урф-одатлар, маросимлар, анъаналар ва байрамларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Диннинг регулятивлик вазифаси диндорлар фаолиятининг тартибга солиниши қонунийлаштирилишини тақозо этади. Бу эса унинг легитимлик вазифасини келтириб чиқаради. Мазкур вазифани биринчи бўлиб америкалик социолог олим Т. Парсонс ажратган. Унинг фикрича, муайян қонунийликсиз, яъни легитимликсиз ҳеч бир ижти мой тизим мавжуд бўла олмайди. Легитимлик воситасида жамият аъзоларининг хатти-ҳаракатлари муайян қолипга солинади, жамиятда барқарорлик таъминланади. Т. Парсонс диний нормаларни жамият тараққиёти давомида шаклланиб, ўзгариб ва ривожланиб борувчи бошқа ижтимоий нормалардан устун қўяди, чунки диний нормалар жамиятнинг ахлоқий-маънавий тартибини белгилайди⁴³. Легитимлик диндорларнинг эътиқод билан боғлиқ

⁴² Кривелев И.А. История религия. II Том. - М., 1976. – С. 56.

⁴³ Зеленков М.Ю. Мировые религии: история и современность: – Ростов на Дону: Феникс, 2008. – С 64.

ўзаро алоқаларини тақозо этади. Бу эса унинг навбатдаги алоқа вазифасини юзага келтиради. Диннинг алоқа вазифаси диндорларни диний мафкура воситасида бирлаштиради. Шу билан бирга, жамият ва шахс ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилишига ёрдам беради⁴⁴. Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, дин ўз таркибига кўра жуда мураккаб ва ранг-баранг мазмунга эга. У инсоннинг ҳиссий образли фаолиятдан тортиб ҳаёт маъносини англаши билан боғлиқ бўлган юксак ахлоқий-маънавий фаолияти, тафаккури ва ижодига хос ҳодисаларни қамраб олади. Дин таркибида ахлоқий элементлар билан бирга ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатлар ҳам мавжуд. Шу боис динга фақат ахлоқий-маънавий ҳодиса деб қараш нотўғри. Унда қонунийлик ва уни сиёсий жиҳатдан мустақкамлашга қаратилган руҳий имконият ҳам мавжуд. Жамият маънавий ҳаётида диннинг ўрни ва аҳамияти Ўзбекистон мустақилликка эришгач, собиқ шўро тузумида ҳукмрон бўлган атеизм (дахрийлик) мафкураси ҳам барҳам топди.

Ислом дини асрий тутқунликдан сўнг яна ўзининг мавқеини тиклаб, жамиятнинг маънавий ҳаётида аҳамиятга эга бўла бошлади. Ўз навбатида ислом динига эркинлик бериш қатор ижтимоий ва маънавий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Гарчи «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги қонун асосида дин давлатдан ажратилган бўлса-да, ижтимоий ҳаётда, айниқса жамиятнинг айрим табақалари орасида диний мафкуранинг салмоғи ортиб борди. Ислом динининг жамият ҳаётидаги ўрни ва салмоғи хусусида ва диний эътиқоднинг қайта тикланиши билан боғлиқ тадбирлар илмий изланувчилар томонидан кенг ёритилган.

Диннинг бугунги ва эртанги мавқеининг тақдири тўғрисида мулоҳазаларни баён этиш ички ишлар идоралари ходимлари учун муайян методологик ишланма ёки концепция вазифасини ҳам ўташи мумкин. Умуман, дин ҳозирги шароитда муҳим ижтимоий-маданий ҳодисадир.

⁴⁴ Самыгин С.И. Религиоведение: социология и психология религии. – Ростов на Дону: Феникс, 1996. – С. 128.

Диннинг жамият маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрнини билиш учун унинг жамият ва шахс ҳаётида қандай ўрин эгаллашини, диннинг давлатга ва шахснинг динга муносабатини тарихан қандай ўзгариб борганлигини илмий таҳлил қилиш лозим бўлади.

Илмий жиҳатдан қараганда, динининг жамият ҳаётига таъсир этиш жараёнини тарихан икки тенденция асосида таҳлил этиш мумкин. Булар – сакрализация ва секуляризация тенденциялари. Сакрализация (лотинчада sacer – муқаддас деган маънони англатади) деганда ижтимоий ҳаётни, ижтимоий институтларни, кишилар ҳаёти ва онгини муайян диний эътиқод доирасида талқин қилиш ва изоҳлаш тушунилади. Сакрализация Шарқ ва Ғарб маданиятида турлича қиёфада ва мазмунда ривожланган. Ўзбекистонда сакрализация ислом дини анъаналарини жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларини мутлақ забт этиш, ҳар қандай урф-одат, анъана, удум ва одатларга диний қиёфа бериш ва жамиятни бошқариш ишларини ҳам илоҳийлаштиришда кузатиш мумкин. Масалан, ўзбек маданий меросини диний ва дунёвий томонларга бўлиш қийин. Ҳатто илмий тараққиёт ҳам диний қобикда ривожланиб келган.

Диний элемент жамият ва киши ҳаётига шунчалик чуқур ўрнаша олганки, ундаги ҳар бир хатти-ҳаракат удум ва маросимда дунёвий элемент билан уйғунлашиб кетган. Шунинг учун ҳозирги ўзбек кишисининг менталитети диний элементни ядро сифатида ўз ҳаёти доирасида ушлайди. Дин тараққиёти тарихан дунёвий тараққиёт билан тенг кечган, унга доимо мослашиб келган. Ҳозирги кунда дин ҳатто дунёвий тараққиётга таъсир этиш ёки етакчи бўлишга ҳам даъво қилмоқда.

Ғарб маданий анъаналарида сакрализация ҳодисаси Шарқ маданий тараққиётидан тубдан фарқ қилади. Ғарбда сакрализация жараёни тарихан клерикализация (лотинчада clericalis – черковда оид деган маънони

англатади) ҳодисасини юзага келтирган⁴⁵. Клерикализация нафақат шахсий ва ижтимоий ҳаётни ташкиллаштиришни бошқарган, балки бу ҳолатни ғоявий асосларини ҳам яратган. Ўрта асрларда бу жараён ўзининг юқори нуқтасига этган Ғарб ижтимоий ҳаётида черков ҳуқуқий ва сиёсий институт мавқеини эгаллаган. Диний қоидалардан четлашиш ёки чекиниш черков томонидан салбий баҳоланган. Бу ҳодисани яхшироқ тасаввур қилиш учун хурфикрлилик ва дунёвий тафаккур тарафдорларини жисмонан йўқ қилишга қаратилган машъум инквизиция ҳукмларини эшлаш кифоя. Клерикализация ўрта асрларда Марказий Осиёда ҳам кузатилган. Инсоният меросига беқиёс ҳисса қўшган, табиатшунослик илмини антик даврдан сўнг сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга уринган Ғарб табиатшунос олимларидан Жордано Бруно, Николай Коперник, Галилео Галилей ва бошқалар сингари Шарқда илмий тафаккур заҳматкашлари Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино ва айниқса Мирзо Улуғбек дунёвий илмларни ривожлантиришга уринганликлари учун дин пешволари томонидан таъқиб қилинганлар, кўплаб Ғарб олимлари эса ўрта асрларда қатл этилганлар, Жордано Бруно, Ариэл Акосто каби сиймолар эса диний эътиқодга шак келтирганликлари учун Рим католик черковининг ҳукми билан тириклайин ўтда куйдирилганлар. Бу даврларда фан динга бўйсундирилган, фалсафа ва этика фанлари эса диний эътиқод нормаларини ижтимоий воқеликда мустаҳкамланишига хизмат қилар эди. Инсоннинг оилавий ҳаёти, болалар тарбияси, оила-никоҳ муносабатлари Ғарбда черков томонидан назорат этилса, Шарқда эса ислом дини мисолида шариат қонунлари (мусулмон ҳуқуқи) асосида тартибга солиб турилар, жамият ва инсонинг ҳар бир хатти-ҳаракатига илоҳий тус берилар ва ягона Аллоҳ амрига боғланар эди.

Сакрализация Шарқ мамлакатлари (мусулмончилик тарқалган давлатлар)да харизматик ҳокимият мавқеига эга эди. Подшоҳ, султон,

⁴⁵ Трельч Э. Социальные учения христианских церквей и групп // Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии. М., 1996. Церковь и секта. С. 226-238.

амир ёки хон бир вақтнинг ўзида ҳам дунёвий ишлар, ҳам диний ишлар бўйича масъул эди. Қози, ҳоким каби бошқа амалдорлар одатда дин номидан иш кўрар эдилар. Подшоҳ Аллоҳнинг ердаги ноиби, яъни вакили деган ақида халқ орасида кенг тарқалган эди. Подшоҳнинг амри вожиб, яъни Аллоҳнинг амри каби сўзсиз бажарилиши лозим, деган фикр омма онгига сингдирилар ва дин пешволари томонидан ташвиқ қилинар эди. Сакрализация Шарқ тасаввур фалсафасида, айниқса, суфизмда яққол кўзга ташланади. Хусусан, суфизм фалсафасининг йирик намояндаларидан бири Аҳмад Яссавий таълимоти тўла-тўқис дунёвий ҳаётни илоҳий ҳаётга бўйсундиришга қаратилган бўлиб, инсон ҳаётининг мазмунини Аллоҳ муҳаббатига эришиш, у билан уйғунлашиш деб билади. Сакрализация диний фанатизм ва догматизмнинг йўлдоши ҳамда дунёвий тафаккурга зид тенденциядир. Сакрализацияга қарама-қарши тамойил (тенденция) секуляризациядир. Секуляризация (лотинчада – дунёвий деган маънони англатади) диний эътиқоднинг жамият ва киши ҳаётининг барча соҳаларидаги мутлақ ҳукмронлигига барҳам бериш, ҳокимиятни дин таъсиридан халос қилиш, дунёвий тараққиёт йўлига ўтиш кабиларни англатади. Секуляризация жараёни дин ва диний ташкилотларнинг жамият ҳаётидаги ўрнининг ўзгариши, диннинг давлатдан ажралишига олиб келади. “Секуляризация” атамаси илк бор 1646 йилда черков мулкани давлат ва шахс ҳисобига мусодара қилиш, миллийлаштириш жараёнини ифода этиш учун ишлатилган.

Маълумки, ўрта асрларда черков ва руҳонийлар йирик ер эгаси эдилар. Уларга жамият мулканинг жуда катта қисми тегишли бўлган. Ижтимоий тараққиёт секуляризация жараёнини тезлаштирган. Ғарбда Реформация даврида (тахминан XIV аср ўрталари ва XVII асрнинг бошларини ўз ичига олади) давлатнинг черковдан қарамлиги заифлашган. Секуляризация бу даврда кўпроқ юридик атама сифатида ижтимоий мулкни черков тасарруфидан давлат ва хусусий шахслар тасарруфига ўтиш

жараёнини ифодалаш учун ишлатилган. Секуляризация жамиятнинг сиёсий соҳасига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

XVIII асрлардан бошлаб давлат черковга қарам бўлмай, ўзининг ички ва ташқи сиёсатини мустақил юргизиш имкониятига эга бўлган. Бу айниқса таълим-тарбия соҳасига ижобий таъсир кўрсатган. Диний ўқув даргоҳлари билан бирга дунёвий мактаблар, гимназия ва университетлар пайдо бўлган. Дунёвий билимлар ва табиатшунослик илми гуркираб ривожланган, фан-техника тараққиётига кенг йўл очилган. Айниқса, Ғарб мамлакатлари томонидан янги ерларнинг очилиши, бир неча географик кашфиётлар жамиятда секуляризация жараёнини янада мустаҳкамлаган ва XVIII асрнинг охирига келиб қатор Европа мамлакатларида капиталистик муносабатларнинг ривожланишига олиб келган. Гарчи қатор табиий фанларга ўрта аср Шарқ мутафаккирлари асос солган ва ривожлантиришга ҳисса қўшган бўлсалар-да, жамиятнинг секуляризация қилиниши, диннинг дунёвий ишларидан четлаштирилиши Ғарб мамлакатларида ижобий натижа берган. Р. Декарт, И. Ньютон, Э. Майер, Ч. Дарвин, Гумбольд каби Ғарб олимлари табиатшунослик соҳасида салмоқли натижаларга эришганлар. Бу эса Ғарбда фан ва техниканинг мислсиз тез ривожланиши учун асос бўлган.

Секуляризация давлатни диндан, мактабни эса черковдан ажратган, уларнинг бир-биридан мустақил тарзда ривожланишига олиб келган. Ғарбдан фарқли ўлароқ, Шарқда жамият ҳаётида ислом динининг чексиз хукмронлиги ва давлат ишларига аралашуви ўрта асрдаги илмий тараққиётни янги тарихий даврларда давом этишига тўсқинлик қилган. Ачинарли томони шундаки, дунёвий илм Шарқда турғун ҳолатда қолди. Бу эса ижтимоий тузумни ҳам ўрта асрларга хос монархистик бўлишлигига, авторитаризм билан боғлиқ харизматик ҳокимият бошқарувига кенг йўл очди.

Ҳозирги Ғарб билан айрим Шарқ мамлакатлари, аниқроғи, христиан ва ислом субмаданиятлари ўртасидаги нотекис ижтимоий ва илмий-техникавий тараққиёт секуляризация жараёнини Шарқда кечикканлиги натижасида содир бўлган деб изоҳлаш мумкин. Секуляризация принципи мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни билан ҳуқуқий кафолатланган. Таъкидлаш жоизки, айрим Ғарб олимлари секуляризацияни атеизм билан аралаштириб юборишади. Аслида эса секуляризация ва атеизм бошқа-бошқа тушунчалардир. Атеизм тўғридан-тўғри, яъни қатъий равишда диний эътиқодни инкор этади, илмий материалистик дунёқарашни ёқлаб чиқади. Атеизм тарафдорларига Ғарбда Л. Фейербах, К. Маркс, Ф. Энгельс, Э. Фромм, Ф. Ницше, Жан Пол Сартр, А. Камю сингари олимлар киради. Секуляризм эса динга нисбатан бирмунча юмшоқ муносабатда бўлади, фан ва диннинг ҳур ривожланиши, ўзаро толерант (ҳамжиҳат)лик мавжудлигининг тарафдори бўлиб чиқади. Секуляризация, бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётида ижобий аҳамиятга эга саналади. Узил-кесил айтиш мумкинки, ҳозир Ўзбекистонда секуляризация принципига риоя қилинмоқда. Бу расмий, давлат сиёсати даражасида намоён бўлмоқда. Давлат сиёсати секуляризация принципини мафкуравий воситалар ёрдамида шахс ва жамият онгига сингдирмоқчи бўлади ҳамда турли тадбирларни амалга оширади. Лекин аҳолининг аксарият қисми секуляризм принципини қабул қилмайди. Бунинг сабаби секуляризмни атеизм билан алмаштириб юбориши, секуляризмнинг ҳаётбахш салоҳияти, дунёвий демократик жамият куриш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати учун қанчалик муҳим эканлигини барча ҳам бирдай англай олмаслигидадир⁴⁶.

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли – дунёвий демократик йўл. Секуляризм бу тараққиёт учун муайян даражада методологик аҳамиятга

⁴⁶ Введение в общее религиоведение: Учебник / Под ред. проф. И.Н.Яблокова. – М.: Книжный дом “Университет”, 2001. – С.127

эга. Лекин секуляризм оммавий онгга бирданига ўрнаша олмайди. Бунинг сабаблари турлича. Масалан, ислом дини тарихан дунёвий ҳаётга нафақат мослаша олади, балки диний ва дунёвий тафаккур бирлигида устувор мавқега ҳам эга бўлди. Шўро тузуми атеистик мафкура билан гўёки секуляризмни ижтимоий воқеликда қарор топтирмақчи бўлган ва динни қувғин қилган. Бироқ атеизм мафкураси ислом динини инсонларнинг турмуш тарзи ва тафаккур воситасига тарихан айланиб қолганлигини ҳисобга олмаган. Шунинг учун ҳам даҳрийлик мафкураси расман тан олинган бўлса-да, ҳаётда қарор топа олмаган. Кейинги ижтимоий тараққиётда, жамият ҳаётида дин қандай ўрин тутади ва қандай аҳамиятга эга ҳамда секуляризмнинг тарихий тақдири нималарга боғлиқ, деган саволлар туғилади. Диннинг ҳозирги замон ижтимоий ҳаётда, халқаро муносабатларда, маданий ҳаётдаги мавқеидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, дин бундан кейин ҳам кишиларни ўзаро ҳамжиҳатликка, тинчликка, эзгуликка ундовчи омил бўлиб қолаверади.

2. Дин социологияси ривожига Европа олимларининг қўшган ҳиссаси

Дин социологиясининг фан сифатида вужудга келишига доир тадрижий босқичларни ўрганиш бизни социологик тафаккур қилиш маданиятига, уни жамият фойдасига ишлата билишликка ўргатади. Айниқса, бу ҳозирги вақтда, Ўзбекистон мустақиллиги шароитида, миллий истиқлол мафкурасини фуқаролар онгига сингдириш жараёнида муҳимдир. Дин социологияси тарихи аجدодларимизнинг руҳий кадриятлар тўғрисидаги, инсон ва инсонни ўраб турган ижтимоий мавжудлик тўғрисидаги тафаккур тарзлари қандай бўлганлигини аниқ кўрсатиб беради.

Қадим замонлардан буён жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши тўғрисидаги билимлар Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари умумфалсафий

Ғояларининг асосий бўлими сифатида қаралган. Жамият ривожини, сиёсат, ахлоқ, фан, дин ва санъат муаммолари тўғрисидаги илмий қарашлар қадимги Ҳиндистон, Хитой, Юнон файласуфлари, Ўрта Осиё, айниқса, Европа мутаффақирлари томонидан айтиб ўтилган.

XVIII аср охири ва XX аср бошларида Европадаги социологик дунёқараш характери ва мазмуни мазкур жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар билан изоҳланади. Жамиятнинг сиёсий ва диний ҳаётида янги шаклли тузилмалар пайдо бўлди. Эски билимлар ўрнини янги назариялар эгаллаб, фалсафий билимларда янгича ёндошувлар кучая бошлади. Характерли томони шундаки, дин социологияси янги позитив фалсафа тамойилларини асослаб берувчи фан сифатида майдонга чиқди. Жамият тузилиши тўғрисидаги мавжуд фалсафий-схолостик ғоялар танқидга учраб, унинг ўрнига табиий фанлар методларига мос келувчи ижтимоий тадқиқотлар таклиф этила бошланди.

Позитивизм ва позитив социология асосчиси **О. Конт** (1798-1857) томонидан ёзилган ишлар орасида 6 томлик “Позитив фалсафа курси” ва 4 томлик “Позитив сиёсат тизими” муҳим ўрин эгаллайди.

Ижтимоий физика ёки социология Конт фикрича, ижтимоий статистика (жамиятда турғун бўлган тузилмалар) ва ижтимоий динамика (ижтимоий ўзгарувчанлик жараёни) дан иборат.

Контнинг тушунтиришича, фалсафа ва социологияни позитив деб аташнинг сабаби, улар фан маълумотларига эмас, балки илмий кузатувларга асосланади. Позитивизмда энг асосий талаб кераксиз тушунчалардан воз кечиш ҳамда табиий-илмий қарашларни исботловчи “позитив” (ижобий) ижтимоий назарияни яратишдир.

XIX аср Франциядаги мавжуд сиёсий тушунмовчиликлар, иқтисодий инқирозлар, ижтимоий табақалашув жамият тараққиётини инқилобий

эмас, балки маънавий ўзгаришлар асосида амалга оширишни қатъийлаштирди.

Конт тарихни ҳаракатлантирувчи куч инсоннинг онгидир, деб ҳисоблайди. Унинг нуқтаи назарларига қараганда, теалогик руҳ ахлоқий ва сиёсий ғояларни доимо ҳурмат қилиш учун зарурдир, яъни ахлоқ ва сиёсат тўғрисидаги саволлар диний онг, диний қадриятлар асосида ечилган⁴⁷.

Фан тараққиётининг метафизик босқичида жамиятдаги асосий бошқарув мавқеларини файласуфлар эгаллаб келганлар. Бу босқич 1300 йилдан 1800 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр фаннинг эмпирик кузатув маълумотларига таянмаган ҳолда, нарса ва мавжудотларнинг моҳиятини мавҳум тавсифлаши билан характерланади.

Позитив босқич 1800 йилдан бошланади. Бу босқич - илм-фан ва олимларнинг ижтимоий билим ва бошқарув назарияларининг устивор мавқени касб этувчи босқичдир.

Француз олимининг хизмати шундаки, у социология фани дастурлари ва методларини илмий изланишлар воситаси сифатида аниқлай олди. Контнинг фикрига кўра, социологиянинг предмети - бу ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятидир. Жамият тўғрисидаги фанлар табиий фанлар методологиясига таяниши керак: олимлар кузатув, қиёслаш, тарихий, генетик методларни қўллай билиши лозим. Ушбу методлар ичида тарихий ва қиёсий методлар кенг тарқалган. Кузатув ва эксперимент методлари эса XX асрга келиб қўлланила бошланди.

Контнинг жамият тараққиётини мувофиқлаштириш ва уни барқарорлаштириш муаммоларига бағишланган фикрлари катта аҳамиятга эга. Унинг фикрича, жамиятдаги ўзаро мослик сиёсий, иқтисодий, маънавий, биологик қонуниятларга боғлиқ бўлиб, турли ижтимоий тизимлар бирлиги ва улар ўртасидаги мувофиқлик ҳисобига эришилади.

⁴⁷ Социология. - М.: ЮНИТИ, 1998. - С. 31.

Фан эса, жамиятнинг ҳамма соҳалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг зарурий меъёрларини белгилаб беради⁴⁸.

Контнинг таъкидлашича, жамиятдаги ижтимоий мувофиқлик - бу шахслар ва ижтимоий қатламлар манфаатларининг бир-бирига мослигидир. Контнинг жамиятни яхлит организм сифатида тушуниши, меҳнатнинг ижтимоий адолат асосида тақсимланиши, ижтимоий барқарорлик шартлари ва омиллари, турли гуруҳ ва қатламлар манфаатларини мослаштиришда давлат ва шахсларнинг ўрни тўғрисидаги фикрлари бугунги кунда ҳам муҳимдир⁴⁹.

Контнинг қарашлари инглиз олими - **Герберт Спенсер** (1820-1903) асарларида ўз ривожини топди.

Спенсернинг 1862-1896 йилларда чоп этилган “Асосий манбалар” (1862), “Биологиянинг яратилиши” (1864-1867), “Психологиянинг яратилиши” (1870-1872), “Социологиянинг яратилиши” (1876-1896), “Социология тадқиқот предмети сифатида”, “Этиканинг яратилиши” (1870-1873) китоблари социология тарихида муҳим ўрин тутди.

Спенсер Конт изидан бориб, социология фанига ўзгариб турувчанлик ва “бир маромдаги” эволюционизм ғоясини киритди. Эволюция - бу оддий нарса ва кучларнинг оддий кўпайиши ёки камайишига олиб келувчи, ҳақиқий рақамли, сакраш ва танаффуслар кетма-кетлигидан маҳрум бўлган жараёндир. Спенсер таъкидлашича, исталган тизимнинг амал қилиш тарзи, ижтимоий организмнинг меъёрий ҳолати мувозанатидан иборатдир.

Спенсернинг фикрига кўра, исталган объектнинг эволюцияси алоқасизликдан алоқадорликка, бир тоифаликдан ҳар хил тоифаликкача, ноаниқликдан аниқликка бўлган даврни ўз ичига олади.

⁴⁸ История социологии. - М.,1998. - С.26.

⁴⁹ Комаров М.С. Введение в социологию. - М.: Наука, 1994. - С. 36.

Мувозанатнинг бузилиши асносида янги эволюцион жараёнга ўтувчи инқироз бошланади. Ҳамма воқеа ва ҳодисалар мана шу инқироз ва таракқиёт цикли орқали юз беради⁵⁰.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда Спенсер синфий кураш ва революцияни мувозанатдан оғиш ёки ижтимоий организмнинг касаллиги, деб эълон қилди.

Спенсер фикри бўйича, социологиянинг вазифаси - бу алоҳида шахсларнинг хоҳиш ва интилишлари, уларнинг индивидуал жиҳатлари ва субъектив фикр-ўйларига қарамасдан амалга ошувчи эволюцион жараёнларнинг умумий қонуниятларини очиб берувчи, ижтимоий мавжудликлар, ижтимоий омилларни ўрганишдан иборатдир.

Спенсер социологиянинг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини ҳис этган ҳолда ижтимоий билимнинг объектив мураккабликларини алоҳида қайд этади. Социологик далилларни кўплаб маълумотларни ўзаро қиёслаш йўли билан ўрганиш мумкин. Спенсер учун ижтимоий далиллар - бу эволюцион жараёнлар намоён қиладиган мавжудликлардир⁵¹.

Спенсер XIX аср социологларининг ичида биринчи бўлиб, ижтимоий тизим, ижтимоий институт, ижтимоий назорат терминларини киритди. Ижтимоий институтлар инсонни жамоавий ҳаракатга кириша оладиган ижтимоий мавжудотга айланишини таъминлайди.

Спенсер ижтимоий таракқиёт таъсири остида ижтимоий институтларни бир неча турга бўлди.

- оила эволюцияси босқичларини ишлаб чиқувчи, оилавий муносабатлар ўзгаришини тадқиқ этувчи институтлар;

⁵⁰ История социологии. - М., 1998. - С. 48.

⁵¹ Самыгин С.И. Религиоведение: социология и психология религии. – Ростов на Дону: Феникс, 1996. – 72 с.

- урф-одат, анъана, ахлоқ орқали инсонларнинг кундалик ҳаракатини бошқаришга йўналтирилган институтлар;

- жамият ҳамжиҳатлиги ва эътиқодий бирлигига таъсир этувчи диний институтлар;

- меҳнат тақсимланиши асосида келиб чиқувчи касб-ҳунар институтлари.

Спенсер жамият эволюциясининг икки кутби деб, жамият тузилишининг ҳарбий ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ типларини тан олган. Чунки, эволюция биринчидан иккинчиси ўтиш йўналишида кечмоқда.

Ғарб социологлардан биринчи бўлиб, Г. Спенсернинг ижтимоий жараён ва борлиқ ҳақидаги Ғояларини ўрганишга польшалик социолог ва юрист **Людвиг Гумплович (1838-1909)** киришган эди.

Гумплович социология тамойилини тушунтириш омили сифатида Спенсер томонидан асосланган биологик тушунчаларга қарши чиқди. Унинг таъкидлашича, социологияда биологик тушунчалар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, улар фақатгина қиёслаш учунгина хизмат қилиши мумкин, ижтимоий воқелик хусусида эса билим бера олмайди.

Гумплович социология объекти сифатида ижтимоий гуруҳларни олиб, воқеликни ўрганишга бағишланган тадқиқот предмети сифатида, абадий ва ўзгармас қонунларга бўйсунувчи ижтимоий гуруҳлар ҳаракати тизимини қабул қилишни таклиф этади.

Австриялик психолог ва социолог **Зигмунд Фрейд** фанда психологик назарияни ишлаб чиқиш билан ижтимоий жараёнларни англашнинг илгари инсоният тажрибасида бўлмаган йўлини асослаб берди. Унинг таъкидлашича, инсон руҳиятининг онг билан бошқарилмайдиган қисмида инстинктив даъватлар (хоҳиш-истаклар) ҳамда хотирадан чиқарилган фикр-

ғоялар мужассамланган бўлиб, бу қисм билан идора этилувчи онг ўртасида онг олди майдони (бу майдончада идрок, тафаккур, хотира, анланган ўзлик) жойлашгандир⁵².

Онг олди майдончаси онг билан бошқарилмайдиган соҳадаги турли хил даъватлар, хоҳиш-истакларни онгнинг идрок этилувчи қисмига ўтказишга монелик қилиб туради ва ўзига хос цензор вазифасини ўтаб боради. Фрейднинг нуқтаи назарига кўра, анланмаган истаклар ҳамда агрессив даъватлар билан шахснинг маданий даражаси ўртасида доимий карама-қаршилик юз бериб туради. Маданият, унинг фикрича, анланмаган онг истакларидан воз кечиш асосида юзага келади.

Фрейд ижтимоий жараёнлар ва жамоалар моҳиятини очишда ҳам либидо (хоҳиш, истак, роҳатбахш нарсаларга мойиллик) тўғрисидаги таълимотни ёқлаб чиқди. У ижтимоий гуруҳлардаги лидерларнинг ўрнини тадқиқ этиб, одамлар муайян раҳбарлар атрофида ҳиссий майллар, эмоционал истак-хоҳишлар негизида уюшадилар, деб ҳисоблайди.

Фрейд дин ва диний эътиқодларни жамоада кузатиладиган невроздан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайди. Чунки инсон онги ўзидан олдинги аждодлар бошидан ўтказган тарихий воқеаларни рамзлар орқали ифодалаб беради.

Неврозларга хос берилувчанлик ва таъсирланувчанлик асосида одамларнинг турли диний расм-русмларга амал қилишлари, уларнинг моҳиятини чуқур англаб етмасликлари, Фрейд томонидан динни “коллектив невроз” деб аташга асос бўлган⁵³.

Умуман олганда, Фрейд назарияси инсонни ўз-ўзини онгли идора қилиш, ҳар бир ишда меъёрга қатъий риоя қилиш, ақл ва инстинкт баҳсида

⁵² Самыгин С.И. Религиоведение: социология и психология религии. – Ростов на Дону: Феникс, 1996. – С. 172

⁵³ Комаров М.С. Введение в социологию. - С. 53-65.

тўғри йўл танлашга ундашга ўргатиши билан ўзининг ижтимоий қимматини йўқотмаган.

XIX аср социологик назариялари ривожидан социологияни ҳамма тан олган универсал ижтимоий фанга айланишига шароит яратиб берди. Бу имкониятларнинг яратилиши В. Парето, Ф. Тённис, Э. Дюркгейм, М. Вебер, П. Сорокин ва бошқа социологлар ижоди билан боғлиқ.

XX аср бошларидаги Италиянинг энг кўзга кўринган назариётчиси **Вильфредо Парето** (1848-1923) эди. Унинг асосий иши ҳисобланмиш “Умумий социология тартиби” кейинчалик Ғарб социологиясининг классик ижоди намунаси, деб тан олинган.

Парето ҳақиқийлик, ишонччилик ва илмий-эмпирик асосланганликни таъминлай оладиган социологик билимлар тузилиши жараёнларини ишлаб чиқишга интилган. Умуман, у ижтимоий фанларнинг барчаси позитивизм ғояларига таянади, деб, социологияни ҳуқуқ, иқтисод, дин тарихи ва бошқа ижтимоий фанларнинг синтези, деб ҳисоблар эди.

Парето томонидан ишлаб чиқилган позитив ёндошув концепцияси ўзининг моҳиятига кўра методологик хусусиятга эга бўлиб, битта мақсадга яъни, ижтимоий назарий тадқиқотларни мафкуравий моҳиятдан озод қилишга қаратилган эди.

Паретонинг социологик тизимида элиталар назарияси муҳим ўрин тутди. Жамиятнинг социологик тузилишини у иккита катта гуруҳга бўлади: ўқимишли одамлардан иборат *элита* ҳамда ҳиссиётлар ва иккиланишлар билан яшовчи, бошқариладиган *омма* - қуйи қатлам.

Парето фикрича, сиёсий жараён элитанинг ҳокимият тепасига келиши билан шартланган бўлиб, улардан биттаси жамиятни бошқарувчилик имкониятларини йўқотса, унинг ўрнини бошқаси эгаллайди. Паретонинг айтишича, элитанинг ўрин алмашиш тартиботи

исталган жамиятнинг универсал қонуниятларидан ҳисобланади. Сиёсий элиталарнинг яшаш қобилияти кичик қатламларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий имкониятларига, ижтимоий бошқариш ҳуқуқини берувчи сиёсий тузумга, жамиятнинг нечоғли очиқлигига боғлиқдир. Бошқарувчи синф жамиятнинг вертикал мойиллигига таяниб, ўзини жамиятдаги бузилишлар - деградациядан сақлаган ҳолда, инқилобларнинг олдини олади ва доимий равишда янгиланиб боради.⁵⁴

ХІХ аср охирида социологиядаги позитив оқимлар ижтимоий ҳаётни тушунтиришда қийинчиликларга учрай бошлади. Жамиятда ижтимоий борлиқни билишда табиийлик - натурализм тамойиллари ва табиий-илмий методларни қўллашни ман қилишга интилишлар кучайиб кетди.

Позитив социологияга қарама-қарши ўлароқ, антипозитивистик йўналишдаги социология кўпроқ Германияда кенг тарқалди. Социологиянинг расмий мактаби намояндаларига В. Дильтей, Г. Зиммель, Ф. Тённис киради.

Кўзга кўринган немис файласуфи, психолог ва социолог **В. Дильтей** (1833-1911) фикрига кўра, табиий фанлар табиий жараёнларнинг бориши ҳамда унинг инсон ҳолатига қандай таъсир қилишини кузатиб боради, ижтимоий-гуманитар фанлар эса инсоннинг эркин фаолияти, жамоавий ишларини ўрганади.

У асосий эътиборни руҳ тўғрисидаги фан назарий муаммоларини ишлаб чиқишга қаратди. Бу йўналишда Дильтей илмий фаолиятининг натижаларидан бири, “тушунувчи психология” ва “тушунувчи социология”нинг яратилишидир. Унинг таъкидлашича, “тушуниш” социологиясини асосий вазифаси, одамларнинг ўтган давр одамлари ҳаётини ҳис қилиш ва шу орқали ҳаётлари мобайнида ҳали амалга оширилмаган фаолиятлар қирраларини топишдан иборат.

⁵⁴ Комаров М.С. Введение в социологию. - С. 46.

Дильтейнинг фалсафий ва социологик ижоди маҳсули бўлган ижтимоий мавжудликлар, жараёнларни билиш, уларни тушуниш имкониятлари, вазифалари ва мақсадлари тўғрисидаги қарашлари кейинги давр социологлари учун тадқиқот манбаи сифатида хизмат қилди.

Немис социология жамиятининг биринчи президенти Фрединант Тённисни социологиянинг формал-аналитик мактаби асосчиларидан бири дейиш мумкин.

Тённиснинг назарий социологияси асосини қарама-қарши моҳиятига эга иккита ечимли тушунча – “жамоа” ва “жамият” ташкил қилади. Тённис фикрича, тарихий жараён қарама-қарши қарашлардаги одамларнинг - жамоа ва жамиятдаги биргаликдаги ҳаётдан иборатдир.

Бу иккита қарама-қарши ижтимоий алоқаларнинг асосий манбаи сифатида *инсон эрки* майдонга чиқади. “Жамоа”га инсонлар ўзларининг табиий эрклари асосида, “жамият”га эса рационал эрк асосида бирлашадилар. “Жамоа”даги инсонлараро муносабатлар табиийлиги, осойишталиги ва маромийлиги билан ажралиб туради. “Жамоа”нинг бу жиҳатлари оилавий-қариндошчилик муносабатларида, қўшничилик ва дўстлик муносабатларида урф-одат, анъана ва дин орқали амалга ошади.

“Жамият” туридаги муносабатлар турли кўринишдаги шартномалар, савдо муносабатлари ва бошқа ҳолатларда намоён бўлади. Жамиятдаги алоқалар фақатгина одамлар орасидаги муносабат эмас, балки турли гуруҳлар ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар ҳамдир.

Социология тарихида **Георг Зиммель** (1858-1918) ғояларининг М. Вебер ва Э. Дюркгейм ғоялари каби XX аср социологияси ривожига ўзига хос ўрни бор.

Зилмель, ўзининг фалсафий ва социологик ижодини ижтимоий муносабатлар типологиясини, аналитик ва формал социологияни ривожлантирувчи анъаналар таҳлилига бағишланган.

Агар Зиммель томонидан асосланган ижтимоий ҳаёт шакллари классификация қилишган уринсак, унда уларни қуйидагича ажратиш мумкин; 1) ижтимоий жараён; 2) ижтимоий тур; 3) ривожланиш модели.

Зиммель шаҳарлар демографияси, дин ва эътиқодлар, билиш ва бошқаларни социологик таҳлил қилиш учун кўпгина қимматли ғояларни илгари сурди. Зиммельнинг ғоялари замонавий социологиядаги маданий-танқидий анъаналарнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди.

Буюк немис мутафаккири **М. Вебер** томонидан илгари сурилган билимлар, ғоялар, методологик ёндашув, билиш назарияси, идеал типлар ғояси, маданият, этика, дин социологияси ҳақидаги қарашлари илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Унинг фикрича, социология ижтимоий-тарихий фаолиятларнинг субъектив соҳаларини ҳисобга олиш, воқеликни илмий методология талабларига мос равишда объектив ва эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш имкониятларини юзага чиқариши мумкин. Социология, М. Вебер таъкидлашича, ижтимоий фанлар орасида шундай ўрин тутиши лозимки, унинг асосий вазифаси - инсоннинг ижтимоий хулқи моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, жамият ривожига сабаб бўлган қонунлар ечимини кўрсатиб беришдан иборат бўлади⁵⁵. Инсон хулқини талқин қилиш методига Вебер томонидан қанчалик катта аҳамият берилганлигига қараб, унинг социологиясини кўпинча тушунувчи ёки “интерпретатив” социология ҳам деб аташади.

М. Вебер ижтимоий ҳаракатлар ёки хулқнинг тўртта асосий турини ажратади: 1) маблағ топишни мақсад қилган ҳаракатлар - оқилона (рационал) мақсадли; 2) муайян қадриятлар таъсирида (диний, ахлоқий ва

⁵⁵Қаранг: Вебер М. Социология религии (Типы религиозных сообществ) // Избранное. Образ общества. - М., 1994. – С. 26.

бошқа) содир этилувчи ҳаракатлар; 3) одамларнинг эмоционал реакциясига асосланган аффектив ҳаракатлар; 4) анъана ва урф-одатларга қаратилган анъанавий ҳаракатлар.

Вебер сиёсий социология ривожига катта хисса қўшган. Ўзининг ижтимоий ҳаракат назариясига таянган ҳолда, у ҳукмронликнинг уч турини - доҳийнинг аффектив ҳаракатига, кўр-кўрона ишончига асосланган харизматик, анъанавий ҳамда мақсадга йўналтирилган рационал турларни тадқиқ этади. У Европа капитализми шароитида ҳукмрон бўлган рационал-бюрократик (расмий-ҳуқуқий) давлат моделининг жамиятга кучсиз таъсирини ҳаққоний тарзда кўрсатган. Вебер бу ҳолатдан чиқиб кетиш йўлини бюрократик давлат аппаратини халқ оммаси эҳтиёжларига йўналтира оладиган, умумхалқ сайлови орқали сайланадиган сиёсий лидер (президент)ни жорий этиш имкониятларини берувчи демократиянинг ривожига кўрган. Француз социологи **Э. Дюркгейм** (1858-1917) ҳам, Контга ўхшаб социология табиий фан методлари асосида иш тутиш керак, деб ҳисоблайди. У ижтимоий фактлар таркибига жамоавий қарашлар, ахлоқий ҳаётнинг ҳар хил мавжудликлари, анъаналар, урф-одатлар, расм-русумларини киритган. Дюркгеймнинг фикрича, “ижтимоий ҳақиқатга объектив ёндошишни таъминлаб берувчи асосий қоида ижтимоий фактларга нарса сифатида қаралишидир”⁵⁶.

Дюркгейм қарашлари асосини “социологизм” ғояси ташкил этади. Француз социологи одамлараро ишончнинг муҳимлигини таъкидлаб, кишилар ягона умумий ғоя атрофида бирлашишлари лозимлигини эътироф этади.

Э. Дюркгеймнинг “Ижтимоий меҳнатнинг тақсимланиши тўғрисида” деб номланган асосий иши бевосита “ҳамжиҳатлик” муаммосини ўрганишга бағишланган. У социологиянинг асосий вазифаси ижтимоий

⁵⁶ Дюркгейм Э. Разделении общественного труда. - М., 1991. - С. 421.

интеграцияни таъминловчи ижтимоий алоқа ва механизмлар табиатини аниқлашдир, деб билади. Дюркгейм жамият эволюциясини ўрганиб, ижтимоий алоқаларнинг икки асосий турини ажратади: “механик ҳамжиҳатлик” ва “органик ҳамжиҳатлик”. Биринчи турида архаик жамият алоҳида индивидларни ўзига бутунлай бўйсундирмоқчи бўлади. Бунда ижтимоий ҳамжиҳатлик инсон ахлоқини қаттиқ назорат қилувчи диний ишонч, урф-одат, анъаналар орқали ижтимоий онгга сингдирилади. Органик ҳамжиҳатлик бўлган замонавий ижтимоий алоқаларда умуман бошқа нарса кузатилади. Бу ерда ижтимоий бирлашув индивидларнинг иқтисодий ўзаро алоқалари ва меҳнат тақсимоли орқали таъминланади. Дюркгейм нуқтаи назарича, XIX аср капитализимга хос зиддиятлар меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши ва турли ижтимоий салбий оқибатлар бартараф этилган тақдирда ўз-ўзидан ҳал бўлади.

II-боб бўйича хулоса

Жамият ривожини, сиёсат, ахлоқ, фан, дин ва санъат муаммолари тўғрисидаги илмий қарашлар қадимги Ҳиндистон, Хитой, Юнон файласуфлари, ўрта Осиё айниқса Европа мутаффакирлари томонидан тадқиқ қилинган. Шу жумладан, франциялик олимлар ҳам бу борада анча ишларни амалга оширганлигини кўриб ўтиш мумкин.

Дин социологиясининг фан сифатида вужудга келишига доир тадрижий босқичларни ўрганиш социологик тафаккур қилиш маданиятига, уни жамият фойдасига ишлата билишликка ўргатади.

Жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши тўғрисидаги билимлар Шарқ ва Ғарб мутаффакирлари умумфалсафий Ғояларининг асосий бўлими сифатида қаралган. Жамият ривожини, сиёсат, ахлоқ, фан, дин ва санъат муаммолари тўғрисидаги илмий қарашлар қадимги Ҳиндистон, Хитой, Юнон файласуфлари, Ўрта Осиё, айниқса, Европа мутаффакирлари томонидан айтиб ўтилган.

XIX аср социологияга оид қарашлар назариялари ривожидин социологиясини ҳамма тан олган универсал ижтимоий фанга айланишига шароит яратиб берди. Бу имкониятларнинг яратилиши В. Парето, Ф. Тённис, Э. Дюркгейм, М. Вебер, П. Сорокин ва бошқа социологлар ижоди билан боғлиқ.

XIX аср охирида социологиядаги позитив оқимлар ижтимоий ҳаётни тушунтиришда қийинчиликларга учрай бошлади. Жамиятда ижтимоий борлиқни билишда табиийлик - натурализм тамойиллари ва табиий-илмий методларни қўллашни ман қилишга интилишлар кучайиб кетди.

Позитив социологияга қарама-қарши ўлароқ, антипозитивистик йўналишдаги социология кўпроқ Германияда кенг тарқалиб, дин социологиясининг расмий мактаби намоёндалари бўлмиш В. Дильтей, Г. Зиммель, Ф. Тённис каби олимлар динни жамият ҳаётидаги ўрни ва унинг инсон ҳолатига қандай таъсир қилишини кузатиб бориб, ижтимоий-гуманитар фанлар доирасига кирувчи дин социологиясини чуқур ўргандилар.

III-боб. Дин социологиясининг ривожланишида франциялик олимларнинг тутган ўрни

1. Эмиль Дюркгеймнинг социологик тадқиқотларининг аҳамияти

Диншунослик, фалсафа, тарих, маданиятшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар доимо бир-бирини тўлдириб келган. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ижтимоий-сийсий қарашлари инсоният онги ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилган. Ғарб диншунос-социологи Эмиль Дюркгейм мазкур соҳа бўйича кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борган. Францияда социологиянинг шаклланиши Эмиль Дюркгейм номи билан боғлиқ.

У ижтимоий-фалсафий қарашлардан ташқари дин социологияси асосларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратган. Олимнинг фикрича, нафақат дин балки барча соҳа ва институтлар ижтимоий характерга эгадир. Э.Дюркгейм қарашларини эътиборли жиҳати шундаки, гарчи динлар турли хил кўринишларда намоён бўлса ҳам, барча динларда ўзликни англаш учун моҳият бор.

Француз мутафаккири Эмиль Дюркгейм ғарб социологик тадқиқотларда муҳим ўрин тутган олимлардан бири саналади. Унинг социологияга оид қарашларини шаклланишида, О.Конт илмий ижоди бевосита таъсир кўрсатган. Аслида Дюркгейм Конт ижодининг баъзи жиҳатларига таянишига қарамасдан, унинг ижодини тажрибага асосланмаган ноаниқ, деб баҳолайди. Унинг фикрича, социологя фанга айланиши учун “ижтимоий фактларни ўрганиши тадқиқ қилиши лозим”. Дюркгейм ижтимоий фактларни алоҳида бир предмет сифатида ўрганиш кераклигини таъкидлайди. У бу иборани истеъмомга киритганида, социал ҳаёт ҳам табиатдаги объектлар ёки воқеалар сингари қатъий таҳлил

этилишини назарда тутуди⁵⁷.

Дюркгейм ўз даврида, жамиятда рўй бераётган ўзгаришлардан рухланади. У ўзгаришларни саноатлашувнинг бир қисми сифатидаги меҳнат тақсимоти билан тушунтиришга ҳаракат қилади. Ўша даврда турли касб соҳалари ўртасидаги фарқлар мураккаблашиб бораётган эди. Дюркгейм таъкидлашича, меҳнат тақсимоти ижтимоий жиҳатдан ўзаро алоқадорлиги бўлган динни аста секин сиқиб чиқара боради. Дин барча индивидларнинг қарашларини ифода этади. Жамиятнинг ривожланиш жараёнида диннинг ижтимоий ҳаётдаги таъсири камайиб бориб, фақат маълум бир гуруҳни ўз таъсирига ола бошлайди. Шу тариқа унинг таъсири кучсизланиб боради. Меҳнат тақсимоти эса жамият талаби остида тобора ривожланиб турли функцияларда кўрина бошлайди. У эса ўз навбатида ягона коллектив онг ролини пасайишига олиб келади.

Дюркгейм жамият ҳақидаги барча қарашларни “Социологизм” тушунчаси орқали баён этади. Социологизм жамият тўғрисидаги назария. Унинг фикрича, замонавий оламдаги ўзгаришлар тез ва жадал суръатларда рўй бермоқдаки, бу эса ўз навбатида сезиларли ижтимоий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Буни аномия ҳодисаси билан боғлайди. Аномия муайян ижтимоий шарт-шароитлар натижасда ўзининг мавжудлигидан мақсад йўқлиги, фойдасиз эканлиги ёки кераксизлигини ҳис этишдир. Анъанавий одоб-ахлоқ меъёрларининг чегаралари ва талаблари дин билан боғланган бўлиб, асосан ижтимоий тараққиёт жараёнида бузиб ташланади, шунинг учун замонавий жамиятда кўпгина индивидлар, ўзларининг кундалик мавжудлигидан маъно йўқлигини ҳис этишга дуч келмоқдалар⁵⁸.

Бу маълумотлардан кўришиб турибдики, Дюркгейм аномия ҳодисасини ижтимоий тараққиёт жараёнида жамиятдаги ҳодисаларни динни бузиб ташланиши билан ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилади.

⁵⁷ Қаранг: Дюркгейм Э. Разделение общественного труда. - М., 1991. - С. 401.

⁵⁸ Гидденс Э. Социология. - Т.: Шарқ, 2002. – Б. 790.

Дюркгейм томонидан кўтарилган, кейинчалик бошқа муаллифлар томонидан ҳам тадқиқ қилинган муҳим масалалардан бири, бизларни ўз аъзолари сифатида бирлаштирувчи жамият, ҳақиқатдан ҳам, бизнинг фаолиятимизни чеклаб қўядими? деган масала. Дюркгеймнинг таъкидлашича, жамият индивид устидан устуворлик хусусиятига эгадир. У оддийгина индивидуал актлар суммасига қараганда, бир мунча каттароқ нарсадир, шунинг учун ижтимоий структурани тадқиқ этган ҳолда моддий муҳит структуралари билан таққослаганда, “шавқатсиз” ёки “бераҳм” бўлган хусусиятлар фарқланади. Дюркгейм фикрича, ижтимоий тузилма шахс индивидуал хатти-ҳаракатларига чегара қўяди ва буни қуйидагича ифодалайди: “Мен қачонки ака-ука, эр ёки фуқаро сифатида ўз бурчимни амалга ошираётган бўлсам, бунда мен қонун ва урф-одат томонидан белгиланган, менга ва менинг хатти-ҳаракатларимга нисбатан ташқи бўлган мажбуриятларни ижро этаман. Шунга ўхшаш ҳолда диндор туғилган кунидан бошлаб, тайёр ҳолда эътиқод ва диний ҳаёт амалиётига дуч келади”.

Дюркгейм нуқтаи назари кўплаб тарафдорларга эга. Бироқ бу жиддий танқидларни ҳам келтириб чиқарди. Агарда, кўплаб индивидуал актларнинг жами бўлмайдиган бўлса, у ҳолда “жамият” нима? – деган саволга қуйидагича жавоб беради: Биз қандайдир гуруҳни ўрганаётган бўлсак, жамоавий моҳиятни эмас, балки фақатгина бир-бири билан турли шаклда ўзаро таъсирланувчи индивидлар гуруҳини кўрамыз. “Жамият” фақатгина кўплаб индивидлардан иборат бўлиб, улар бир-бирига нисбатан тартибга солинган хатти-ҳаракатларни амалга оширади. Ушбу нуқтаи назарга мувофиқ бизлар инсон бўлганимизнинг кучидан мақсадга йўналтирилган ҳолда хатти-ҳаракатда бўламиз ва маданий мазмунларга тўлиб тошган дунёда яшаймиз. Ижтимоий ҳодисалар ушбу нуқтаи назарга мувофиқ “нарсаларга” унча ҳам ўхшаш эмас, чунки улар рамзий маъноларга боғлиқ бўлиб, бу билан ўзимизнинг хатти-ҳаракатларимизга маъно берамыз. “Жамият бизни эмас, биз жамиятни яратганмыз” дея

таъриф келтиради⁵⁹. Ушбу зиддиятларнинг қачондир тугаб қолиши эҳтимолдан ҳолидир, чунки у мутафаккирлар инсон фаолоиятини тушунтиришга биринчи марта мунтазам ҳолда ўргангандан буён мавжуддир. Бироқ, ушбу баҳс фақатгина социология билан чегаранмай, ижтимоий фанларнинг барча соҳалари омилларини қамраб олган.

Социал институтлар ҳар қандай индивидлардан илгари келади, шу билан бирга, улар жамиятни чегаралаш имкониятига эга. Бошқа томондан эса, худди физик олам каби, бизга нисбатан жамият ташқи ҳисобланади дейиш ўринсиздир. Борлиқда ягона инсон қолмаган ҳолда ҳам физик олам мавжуд бўлар эди, бироқ шунга ўхшаш ҳолатни жамият учун қўллаш нотўғри ҳисобланади. Жамият ҳар бир индивид учун алоҳида олинганига нисбатан ташқи ҳисобланади, лекин у бу таъриф бўйича барча индивидлар учун ташқи бўла олмайди.

Дюркгейм ўзининг назарий методологик қарашларини тотемизмни ўрганишга қаратган. Бунинг асосий сабаби илк диний тасаввурларни айрим элементларини ҳозирги кунимизда ҳам учраб туришидир. Э.Дюркгейм фикрича, дин – маълум бир жамият шароитида ва маълум бир ижтимоий зарурият тарзида пайдо бўлган. Олим илк диний эътиқодларни айнан диннинг содда шаклини (яъни, диннинг барча даврлардаги ҳолати учун хос бўлган хусусият) ва жамият ҳаётининг асосий функциясини аниқлаштириш учун тадқиқ қилишга ундайди.

Э.Дюркгеймнинг “Диний ҳаётнинг элементар шакллари” китоби дин социологияси ривожига анча жиддий таъсир этган асардир. Э.Дюркгейм *динни ижтимоий тенгсизлик ёки ҳокимият билан бевосита боғлиқ эмас, балки бир бутун ижтимоий институтларнинг табиати билан боғлиқ*⁶⁰, деб ҳисоблайди. У ўз ишида асосан Австралия аборигенларининг тотемистик эътиқодларини таҳлил қилиб, тотемизм нисбатан диннинг энг содда кўриниши бўлишига қарамай ҳозирги кунда ҳам динда

⁵⁹ Қаранг: Дюркгейм Э. Разделение общественного труда. - М., 1991. - С. 402.; Гараджа В. И. Социология религии. - М.: ИНФРА-М, 2005. – С. 127.

⁶⁰ Николаев Ю.Н. Социология Эмиля Дюркгейма. – М., 1977. – С. 93

муқаддаслаштирилган объектларни мавжудлигини таъкидлайди. Э.Дюркгейм динни таърифлашда, уни муқаддасликка ва дунёвийликка карама-қарши қўяди. Муқаддас нарсалар ва рамзлар, деб таъкидлайди у, одатдан ташқари дунёвий соҳани ташкил қилган психологик объектлардир. Тотемларни (хайвонлар ёки ўсимликларни) таом сифатида истеъмол қилиш диний маросимлардан ташқари вақтларда ҳам манъ қилинади. У тотемни муқаддаслаштирилишини қуйидагича изоҳлайди: тотем гуруҳнинг ўз рамзи ёки жамоанинг муҳим қадриятлари сифатида намоён бўлади.

Кишиларнинг тотемга бўлган иззат-ҳурмати уларнинг маълум ижтимоий қадриятларга бўлган иззат-ҳурмати туфайлидир.

Э.Дюркгейм динни фақат эътиқодлар тўплами, деб тушунмаслик кераклигини таъкидлайди. *Ҳар қандай дин учун шу нарса характерлики, уларга ишонувчи кишилар гуруҳи иштирок этадиган доимий такрорланувчи диний маросимлар ва урф-одатлар мавжуд бўлиб, ўтказиладиган бу расм-русумлар туфайли уларда жамоавий ҳамкорлик юзага келади ва мустаҳкамланиб боради. Расм-русумлар кишиларни дунёвий ҳаёт таъшишларидан бир оз бўлса ҳам ҳоли қилиб, улар ўзларида юксак олий ҳиссиётлар дунёсини ҳосил қилиб, олий кучлар билан қўшилиб кетиши ҳиссини туядилар. Бу олий кучлар, яъни тотемлар, илоҳий мавжудотлар, худо ҳақиқатда эса, жамоанинг шахсга таъсир этишидир.* Э.Дюркгейм нуқтаи назарича, *маросим ва расм-русумлар жамият аъзоларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда, муҳим аҳамиятга эгадир.* Э.Дюркгейм анъанавий турга доир кичик маданиятларда дин ҳаётнинг деярли барча томонларига сингиб кетганини таъкидлайди⁶¹.

Диний урф-одат ва маросимлар бир жиҳатдан жамиятда янгича ғоя тафаккурни вужудга келтирса, бошқа бир жиҳатдан эса, тўпланган қадриятларни мустаҳкамлайди. Дин жамиятда нафақат ҳис-туйғу ва иш-ҳаракатларни давомийлигини, балки у анъанавий кичик маданиятларни

⁶¹ Қаранг: Гофман А.В. “Социологизм” как концепция Э.Дюркгейма //Историко-философский сборник. – М., 1972. - С. 27-32.

ривожланишига ҳам туртки бўлади. Шунингдек, баъзи бир умумий фалсафий категориялар, жумладан, вақт, фазо, моҳият ҳам дастлаб диний тушунчаларда ифодаланади. Вақт тушунчаси, масалан, диний маросимларнинг давомийлигини ҳисоблаш зарурати туфайли пайдо бўлган.

Диний маросимлар ва расм-русумлар инсоният ҳаётининг оз қисмини ифодаласа ҳам жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Э.Дюркгейм Маркснинг анъанавий динлар (яъни ғайритабиий кучлар ва илоҳларга асосланган динлар) йўқолиш арафасида деган фикрига кўшилади. Лекин шу билан бирга, дин маълум маънода ўзгарган шаклда сақланиб қолади. Ҳатто жамиятнинг ҳозирги замон тури ҳам уларнинг қадриятлари тасдиқланувчи ва мустаҳкамланувчи диний маросимларга эҳтиёж сезади. Эҳтимол эски маросимлар ўрнига жамият учун муҳим аҳамият касб этувчи янги маросимлар пайдо бўлиши мумкин⁶². Демак, динлар жамият ҳаётида, инсон руҳиятида, сабабият ва моҳиятни англашда муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари диний ҳаёт тарзи ва унинг моҳияти ҳамда унда учрайдиган муаммоларни ечишда муҳим аҳамият касб этади дея изоҳлайди.

2. Жак Маритеннинг дин социологиясига оид қарашлари

Дин социологияси социологиянинг бир қисми сифатида, социология ишлаб чиққан оила, сиёсат, илм-фан ва шу каби алоҳида социологик феноменларни таҳлил қилиш усуллари ва тушунчалардан фойдаланувчи социологик тартиблардан биридир.

Социолог динга социологик феномен сифатида қарайди. У динни шахслар ва гуруҳларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолиятидан келиб чиққан

⁶² Гидденс Энтони. Социология. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 509.

холда ўрганеди. Дин социологияси ва у билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда, XIX-XX асрларда яшаб ижод қилиб ўтган франциялик олимларнинг хизматлари катта. Шундай олимлар қаторига файласуф, социолог, сиёсий мутафаккир Маритен Жакни киритиш мумкин. Унинг асосий қизиқишлари социология, сиёсат, фалсафа, черков миссияси, ижтимоий хизмат, черков ва давлатга қаратилган.

Ж.Маритенни дин социологиси жамият ҳаётини ўрганаётган пайтларидан қизиқтира бошлади. У динларнинг бошқа маданий соҳалар, хусусан, иқтисодиёт билан ўзаро муносабатларини ўрганди. Ж.Маритен динларни ўрганиш чоғида ўзига хос тизимларни ишлаб чиқди. Ж.Маритеннинг дин социологиясини ўрганишдаги тадқиқотлари бир бутун лойиҳани ташкил қилади. У дин социологиясини интеграл гуманизм ғоясига асосан тадқиқ қилган.

Олим бир бутун социал организм бўлган жамият ҳақидаги назарияни ишлаб чиқиб, ривожлантирган. У социал реализм назариясида социал воқелик табиатини социал воқеалар орқали тушунтириш лозимлиги, одамларнинг феъл-атворини таҳлил этишнинг бошланғичи бўлиб, индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва тегишли социал институтларнинг ўзаро муносабат тизимини ташкил этган жамият ҳисобланишини ёритади.

Ж.Маритен “Инсон ва давлат” номли асарида социология соҳасидаги жамият ривожланиши назарияларини ишлаб чиқишга эътиборини қаратиб, социал омилларни илмий таҳлил этишга қаратилган тавсилотларни яратиш устида шуғулланган⁶³.

“Дин социологияси - деб ёзади у, – социал далиллар ҳақидаги фан бўлиб, унинг остида сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқа ғоялар, коида ва кадриятлар ётади”. Ж.Маритен фикрича, интеграл гуманизм социал воқеликнинг якуний сабаблари бўлиб, амалиётда рўёбга

⁶³ Сорокин П. Система социологии// Религия и общество. Хрестоматия по социологии. Ч.1. - С.162-167.

ошириладиган одамларнинг ғоя ва маданий қадриятлари ҳисобланади⁶⁴. Айнан ана шунда, у ҳар қандай социал эволюциянинг манбаи мавжудлигини кўради. Бунда сўз жамоавий онгнинг номоён бўлиши сифатидаги ғоялар ва маънавий қадриятлар устида боради. Айрим шахсларда нисбатан социал қоидалар, қадриятлар ва бошқа ижтимоий онгнинг номоён бўлиши объектив амал қилади. Социал назария ва услуб муаммоларини ишлаб чиқишда, Ж.Маритен социология ва фалсафанинг ўзаро таъсири муаммоларига ҳам эътиборни қаратган. У социология буюк фалсафий таълимотлардан юзага келганлигини эътироф этади ва доимо қандайдир фалсафий ёндашувларга суянганлигини таъкидлайди.

Ж.Маритен Бергсон ва Дильтейлар билан бир қаторда “хаёт фалсафаси” асосчиларидан бири. Шунингдек, Бергсоннинг фалсафий қарашлари билан бир қаторда, тарих фалсафаси, маданият, этика, сиёсий – иқтисод ва диншуносликка оид бир қатор муаммолар устида ишлаган ва уларни фалсафий ҳамда социологик нуқтаи назардан ечишга ҳаракат қилган. Унинг ижтимоий қизиқишлари доираси анча кенг бўлиб, у куйидагиларни ўз ичига олади: ижтимоий дифференциация, жамият ва индивид ўртасидаги ўзаро алоқа, маданият социологияси, шаҳарлар, оила, ўзаро низолар социологияси, динлар социологияси ва бошқалар. Ж.Маритен фикрича, *жамият ривожланиб борар экан, у билан бир қаторда дин ҳам, унинг ғоялари ҳам тараққий этиб бормоги, яъни жамиятга янги – янги, замонавий эҳтиёжларга мос ғояларни тақдим қилмоги лозим.*

У инсоннинг онгли мавжудот эканлигини ҳеч бир тарихчи, социолог, иқтисодчи инкор эта олмаслигини таъкидлайди. Ж.Маритен фикрича, маданият, жамият ва тарих ҳақидаги фанлар худди

⁶⁴ Маритен Ж. От Бергсона к Фоме Аквинскому: очерки метафизики и этики / Пер. с фр. В. П. Гайдамака. — М.: Ин-т философии, теологии и истории св. Фомы, 2006. - С. 18.

табийй фанларга ўхшаб баҳолаш фикрларидан холи бўлиши керак. Лекин бу олимни ўз баҳо бериш ва қизиқишларидан воз кечиши керак деган фикрни туғдирмаслиги керак. Фақатгина бу қизиқиш ва баҳо бериш олимнинг илмий хулосалар доирасига бостириб кириши жоиз эмас. Бу доирадан ташқарида у қанчалик ўз мулоҳазаларини баён қилишини ўзи белгилайди, лекин энди олим сифатида эмас, балки хусусий шахс сифатида. Маритен Жак қадриятни у ёки бу тарихий даврнинг кўрсатмаси даврга хос бўлган манфаатнинг йўналиши, деб талқин қилади.

Шундай қилиб, қадриятлар тарихдан юқори холиликдан тарихийликка ўтадилар. Маритен Жак қадриятли ҳукмлар доим шахсий ва субъектив хусусиятга эга деб билган. Улар ахлоқий, сиёсий ёки бошқа карашлар билан боғлиқ, деб ҳисоблайди.

Маритен Жакда социал билишнинг асосий қуроли “идеал тип” ҳисобланади. Идеал типлар - бу социал тарихий реалликни таққослаш орқали билиш тўғрисидаги тушунча. Унингча, барча социал-маълумот социал тип билан тушунтирилмоғи лозим. Олим давлат типлари ва рационаллик типлари каби социал фаолият типологиясини илгари суради. “Капитализм”, “бюрократизм”, “дин” ва шу каби идеал типларга асосланади⁶⁵.

Идеал тип тушунчаси ёрдамида Маритен Жак тарих ва социологиянинг ўртасидаги масофани қатъиян қисқартириб, уларнинг икковининг ролини аниқ белгилаб беради. Умуман, Э.Дюркгейм ва Маритен Жак социологик билимлар предмети сифатидаги “жамият”, “халқ”, “инсоният”, “жамоатчилик” каби тушунчаларни рад этадилар. Улар социологик тадқиқот предмети фақат индивид бўлмоғи керак, деб ҳисоблайдилар⁶⁶.

⁶⁵ Art et scolastique. Librairie de l'Art Catholique, 1920. (The 1927 edition contains)

⁶⁶ Қаранг: Дюркгейм Э. Разделение общественного труда. - М., 1991. - С. 358.; Маритен Ж. От Бергсона к Фоме Аквинскому: очерки метафизики и этики / Пер. с фр. В. П. Гайдамака. — М.: Ин-т философии, теологии и истории св. Фомы, 2006. – С. 201.

1920 йиллар охирларида Маритен Жак социал муаммоларни ўргана бошлайди. Бунга сабаб унинг Франциядаги католикларнинг айрим ижтимоий ҳаракатлари билан алоқаси бўлганида. Лекин уни миллатчилик ва антидемократик ғоялари туфайли католик черковидан узоқлаштирадilar.

Рус файласуфи Н.Бердяев ва Э.Мунье таъсири остида Ж.Маритен христиан гуманизмининг либерал принциплари ва табиий ҳуқуқ химояларини ишлаб чиқади.

Ж.Маритен ўзининг назарий методологик қарашларини христианлик ғояларини интеграл гуманизм асосида ўрганишга қаратган. Бунинг асосий сабаби ҳозирги кунимизда ҳам учраб туришидир. Ж.Маритеннинг фикрича, интеграл гуманизм уч асосий принципи – шахсни қадрлаш, инсон кадр-қиммати, умумманфаат, шунингдек, христиан илоҳиётчилигига бағишланган. Ж.Маритеннинг “Инсон ва давлат” асари дин социологияси ривожига ҳам анча таъсир этган асардир. Ж.Маритен динни ижтимоий тенгсизлик ёки ҳокимият билан бевосита боғлиқ эмас балки бир бутун ижтимоий институтларнинг табиати билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

Маритен Ф.Аквинский қарашлари, дин ва маданият, христианлик фалсафаси, Декарт фалсафа ва фан, сиёсат фалсафасининг эпистемологиясига оид кўпгина тадқиқотлар олиб борган. 1936 йилда унинг “Интеграл гуманизм”, 1940 йилда “Сиёсий ҳуқуқ”, 1942 йилда “Инсон ҳуқуқлари ва табиий қонун”, 1943 йилда “Христианлик ва демократия”, 1944 йилда “Сиёсий гуманизмнинг принциплари”, “Шахс ва умумий манфаатлар” (1947), “Инсон ва давлат” (1941) каби каби муҳим аҳамиятга молик асарлари чоп этилди⁶⁷.

⁶⁷ <http://www.krugosvet.ru> Энциклопедия Кругосвет. Универсальная научно-популярная онлайн-энциклопедия

Маритенни асосий ғоялари Лотин Америкасига ўз таъсирини ўтказган. 1930 йиллар бошларида католик ғояларининг сингдиришда Маритен асосий фигурага айланди. У Шимолий Америкага кўплаб сафарлар қилиб, 1932 йилдан ҳар йили Торонтодаги ўрта аср тадқиқотлари институтига маъруза ўқишни бошлайди. 1939 йилда Маритен Францияга қайтиб, Торонтодаги маърузаларини давом эттиради. 1940 йилда АҚШ га кўчиб ўтиб, Принстон (1941-1942) ва Колумбия (1941-1944) университетларида маъруза ўқишни бошлайди⁶⁸.

Маритен иккинчи жаҳон уруши давомида АҚШ да яшаб, Франция учун кўрсатувлар тайёрлайди. Маърузаларни ўқиш давомида, сиёсий фалсафа, эстетика, санъат ва шеърият, таълим олиш фалсафаси ва метафизикага оид тадқиқотлар билан шуғаллана бошлайди. Франция озод қилингандан сўнг Ватиканга франция элчиси этиб тайинланиб, 1948 йилгача шу лавозимда ишлайди.

1948 йил баҳорда Принстонга хизмат кўрсатган профессор сифатида қайтиб келиб, Америкадаги Нотрдам ва Чикаго университетларида фаолият олиб боради. Бу даврда Маритенни динга оид “Худога яқинлик” (1953), ахлоқий фалсафага оид “Ахлоқий фалсафанинг муҳим тушунчалари ҳақида ўн та дарс” (1951), “Фалсафа тарихи” (1957) деб номланган асарлари чоп қилинади.

1960 йилда Францияга қайтиб, “Исонинг кичик биродарлари” уюшмасида яшаб, Ватикан соборининг ўткир танқидли ислохотлари номли китоб (1967) нашр қилади. 1970 йилда уюшмада қолишга илтимоснома бериб, 1973 йил апрель ойида Тулузада вафот этади. Вафотига қадар, Маритен жаҳондаги машҳур католик файласуфларидан ҳисобланган. Унинг фалсафий тадқиқотларининг кенглигининг сабаби, католик черковининг жамият фалсафасига таъсирида эди.

⁶⁸ Қаранг: Хрестоматия по социологии религии / Сост. Гараджа В.И., Руткевич Е.Д. – М.: Наука, 1994. – С. 75.

Бугун дунё глобаллашув, иқтисодий ва сиёсий интеграция жараёнлари таъсирида тобора яхлит ва бир бутун характер касб этиб бормоқда. Капитал ва товарлар оқими билан бир қаторда уларнинг яратувчиси бўлган инсонларнинг ҳаракат доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу одамлар орасида ўзаро муросасизлик, тоқатсизлик кўринишларини бартараф қилиш, жамиятда бағрикенглик маданиятини қарор топтириш том маънода глобал, инсоният истиқболига дахлдор масалага масалага айланганини кўрсатади.

Жамият ҳаётида тенглик ва адолат ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек кадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат руҳи қарор топишига замин яратади. Маритеннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлари ўз асрининг энг машҳур шахсларидан бўлишига сабаб бўлди.

Маритеннинг фалсафий ишлари 20 та тилга таржима қилинган. Унинг энг муҳим аҳамиятга молик ишлари ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий фалсафага қаратилган. Илмий ишларини жамият, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига таъсирини БМТнинг 1948 йилдаги Декларациясида кўриш қифоя. Бундан ташқари кўпгина декларациялар (Канаданинг ҳуқуқ ва эркинликка доир ижтимоий-сиёсий мазмундаги ҳужжатлари, Франция Республикаси Конституциясига преамбула ва сўнггиси Шарль Де Голь билан ёзишмалар)да кўриш мумкин. Маритенни христиан гуманизми ва персонализми ғоялари Папа Павла VI нинг католикларга қаратилган мурожаатномаси ҳамда Иоанн Павл II нинг фикрларига муҳим таъсир ўтказган.

Цивилизацияни маънавий ўзгартириш ва янгилашни Маритен ўзи ишлаб чиққан интеграл гуманизм ғояси асосида амалга оширишни таъкидлайди. Бу янги цивилизацияда христианлик этиқоди секуляр институтлар билан қўшилиб кетади. Давлат суверенитети асоси худо бўлиб, давлатнинг асосий мақсади христианликнинг ижтимоийлашуви бўлиб, христианлик тимсоллари ижтимоий сиёсат учун давлат черков конун қоидалари билан уйғунлашиб кетади. Христианликнинг бундай чалғитувчи демократиясида дин жамиятда шахс ва гуруҳ муносабатларини олий даражада тартибга солиб туради ва инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тамойили ривожланиб боради. Социал гуманизм жамоавий бирлашиш билан ифодаланади, либерал – индивидуал, интеграл гуманизм эса доим мўътадил бўлиб, анъанавий қадриятларни ўзида сақлаб қолади⁶⁹.

Маритеннинг ўн олти жилдлик асарлари илоҳиёт, эстетика ва сиёсатга бағишланади. Унинг социологик ғоялари замонавий муаммоларни христианлик миқёсида ечишга қаратилган.

III -боб бўйича хулоса

Диний урф-одат ва маросимлар бир жиҳатдан жамиятда янгича ғоя тафаккурни вужудга келтирса, бошқа бир жиҳатдан эса, тўпланган қадриятларни мустаҳкамлайди. Дин жамиятда нафақат ҳис-туйғу ва иш-ҳаракатларни давомийлигини, балки у анъанавий кичик маданиятларни ривожланишига ҳам туртки бўлади. Шунингдек, баъзи бир умумий фалсафий категориялар, жумладан, вақт, фазо, моҳият ҳам дастлаб диний тушунчаларда ифодаланади. Вақт тушунчаси, масалан, диний маросимларнинг давомийлигини ҳисоблаш зарурати туфайли пайдо бўлган.

⁶⁹ Қаранг: Сорокин П. Система социологии // Религия и общество. Хрестоматия по социологии. Ч. 1. - С.162-167.

Э.Дюркгейм динни маълум бир жамият шароитида ва маълум бир ижтимоий зарурият тарзида пайдо бўлган деб, илк диний эътиқодларни айнан диннинг содда шаклини (яъни, диннинг барча даврлардаги ҳолати учун хос бўлган хусусият) ва жамият ҳаётининг асосий функциясини аниқлаштириш учун тадқиқ қилганлигини кўриб чиқилди.

Маритен Жакда социал билишнинг асосий қуроли “идеал тип” ҳисобланади. Идеал типлар - бу социал тарихий реалликни таққослаш орқали билиш тўғрисидаги тушунча. Унингча, барча социал-маълумот социал тип билан тушунтирилмоғи лозим. Олим давлат типлари ва рационаллик типлари каби социал фаолият типологиясини илгари суради. “Капитализм”, “бюрократизм”, “дин” ва шу каби идеал типларга асосланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, идеал тип тушунчаси ёрдамида Маритен Жак тарих ва социологиянинг ўртасидаги масофани қатъиян қисқартириб, уларнинг икковининг ролини аниқ белгилаб беради. Умуман Э.Дюркгейм ва Маритен Жак социологик билимлар предмети сифатидаги “жамият”, “халқ”, “инсоният”, “жамоатчилик” каби тушунчаларни рад этадилар. Улар социологик тадқиқот предмети фақат индивид бўлмоғи керак, деб ҳисоблайдилар.

ХУЛОСА

Ғарб социалогиясида дин социологиясига бўлган муносабат ўзига хослиги билан фаркланади. Дин социологияси ривожланиш муаммоларига кизиқишнинг ортиб бориши билан Европа олимларининг ижодий меросига социал эволюцион ғояларига бўлган эътибор янада кучайди. Ўз даврининг маънавий ва илмий ҳаётига кучли таъсир кўрсатган ижтимоий ва табиий фанларнинг яқинлашишига социологияга илмийлик мақомини беришга имконият яратилди.

XIX аср охирида социологиядаги позитив оқимлар ижтимоий ҳаётни тушунтиришда қийинчиликларга учрай бошлаган. Жамиятда ижтимоий борлиқни билишда табиийлик - натурализм тамойиллари ва табиий-илмий методларни қўллашни ман қилишга интилишлар кучайган. Позитив социологияга қарама-қарши ўлароқ, антипозитивистик йўналишдаги социология кўпроқ Германияда кенг тарқалиб, дин социологиясининг расмий мактаби намояндалари бўлмиш В. Дильтей, Г. Зиммель, Ф. Тённис каби олимлар динни жамият ҳаётидаги ўрни ва унинг инсон ҳолатига таъсир қилиши кузатилиб, ижтимоий-гуманитар фанлар доирасига кирувчи дин социологияси ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

XIX аср социологияга оид қарашлар назариялари ривожини дин социологиясини ҳамма тан олган универсал ижтимоий фанга айланишига шароит яратиб берди. Бу имкониятларнинг яратилиши В. Парето, Ф. Тённис, Э. Дюркгейм, М. Вебер, П. Сорокин ва бошқа социологлар ижоди билан боғлиқ.

Дин социологияси муаммосини янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Ҳозирда бу муаммони аниқ социологик тадқиқот билан ўрганиш асосли равишда кўрсатилиб, дин социологиясидаги асосий методологик масалаларга жиддий эътибор берилди бошланди. Аввало, жамиятдаги ҳодисаларнинг аҳамиятини

аниқлашга қаратилган функционал методология, жамият аъзоларининг мавқеини кўрсатиб берувчи ҳаракатларга асосланган феноменологик методология, ниҳоят, таснифлаш, гуруҳлаш, таққослаш, турлаш, системалаштиришни ўз ичига олади таснифлаш методологиясига асосий эътибор қаратилмоқда.

Дин социологияси муайян ижтимоий муносабатларни тадқиқ этиш асносида умумий, махсус ҳамда эмпирик методология тамойилларига ҳам таяниб иш тутади. Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб, дин социологияси объектини турлича тушуниш натижасида методологиянинг 3 асосий турини ажратиш мумкин: диннинг умумий қонуниятларни, объект хусусиятини, ҳислатини белгилайдиган, у орқали алоқа, муносабат ўрнатишни назарда тутадиган тушунтирувчи методология; динни тавсифлаш, классификациялаш, гуруҳлаш, таққослаш, турлаш, системалаштиришга асосланган таърифловчи методология; инсон фаолиятини ўрганишда табиий ҳамда ижтимоий фанлар қонуниятларидан уйғунлаштириб фойдаланишни тақозо етувчи тушунувчи методология.

Дин социологиясининг фан сифатида вужудга келишига доир тадрижий босқичларни ўрганиш социологик тафаккур маданиятига, уни жамият фойдасига қўллашга ўргатди. Жамият ривожини, сиёсат, ахлоқ, фан, дин ва санъат муаммолари тўғрисидаги илмий қарашлар қадимги Ҳиндистон, Хитой, Юнон файласуфлари, Ўрта Осиё, айниқса, Европа мутафаккирлари томонидан тадқиқ қилинган. Улар қатори франциялик олимлар ҳам бу борада анча ишларни амалга оширганлар.

Диний урф-одат ва маросимлар жамиятда янгича ғоя тафаккурни вужудга келтириб, тўпланган қадриятларни мустаҳкамлайди. Дин жамиятда нафақат ҳис-туйғу ва иш-ҳаракатларни давомийлигини, балки у анъанавий кичик маданиятларни ривожланишига ҳам туртки бўлади. Шунингдек, баъзи бир умумий фалсафий категориялар, жумладан, вақт, фазо, моҳият ҳам дастлаб диний тушунчаларда ифодаланади. Вақт

тушунчаси, масалан, диний маросимларнинг давомийлигини ҳисоблаш зарурати туфайли пайдо бўлган.

Э.Дюркгейм динни маълум бир жамият шароитида ва маълум бир ижтимоий зарурият тарзида пайдо бўлган деб, илк диний эътиқодларни айнан диннинг содда шаклини яъни, диннинг барча даврлардаги ҳолати учун хос бўлган хусусиятини ва жамият ҳаётининг асосий функциясини аниқлаштириш учун тадқиқ қилган. У маросим ва расм-русумлар жамият аъзоларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботлаб, анъанавий турга доир кичик маданиятларда дин ҳаётининг деярли барча томонларига сингиб кетганини кўрсатиб берди.

Маритен Жак учун социал билишнинг асосий қуроли “идеал тип” ҳисобланади. Идеал типлар - бу социал тарихий реалликни таққослаш орқали билиш тўғрисидаги тушунча. У барча социал-маълумот социал тип билан тушунтирилмоғи лозим, деб билади. Олим давлат типлари ва рационаллик типлари каби социал фаолият типологиясини илгари суради. “Капитализм”, “бюрократизм”, “дин” ва шу каби идеал типларга асосланади. Маритен Жак қадриятли ҳукмлар доим шахсий ва субъектив хусусиятга эга деб билган. Улар ахлоқий, сиёсий ёки бошқа қарашлар билан боғлиқ, деб ҳисоблайди.

Эмиль Дюркгейм ва Маритен Жак социологик билимлар предмети сифатидаги “жамият”, “халқ”, “инсоният”, “жамоатчилик” каби тушунчаларни рад этадилар. Улар социологик тадқиқот предмети фақат индивид бўлмоғи керак, деб ҳисоблайдилар.

Жамият ҳаётида тенглик ва адолат ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек қадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжихатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва

хурмат руҳи қарор топишига замин яратади. Маритеннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлари ўз асрининг энг машҳур шахсларидан бўлишига сабаб бўлди.

XIX асрда социал инстинктлар муаммосининг пайдо булиши тасодиф бўлмади. XIX аср психологияси жамиятни индивидга ўхшатиб талқин қилар экан, ҳам идивидуал, ҳам жамоавий хулқ-атворни тушунишга имкон берувчи ички сабабий алоқадорликни топишга ҳаракат қилди. Ана шуларнинг ҳаммаси XIX аср охирларига келиб, диннинг ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиб, жамиятда юзага келган ижтимоий ҳодисаларни аниқ фактлар асосида изоҳлашга олиб келди. Диннинг вазифалари унинг алоҳида шахсга ва жамиятга таъсири ва табиатдан келиб чиқиши масаласига алоҳида эътибор берилди. Бунда ҳар бир дин унга эътиқод қилувчи муайян бир шахсга у ёки бу жамоага ва умуман жамиятга нима бериши, инсонлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатиши каби масалалар ўрганилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
// Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

Адабиётлар

1. Art et scolastique. Librairie de l'Art Catholique, 1920. (The 1927 edition contains
2. Marcel Rivière et Cie. La Philosophie bergsonienne: études critiques. 1914.
3. Арон Р. Этапы развития социологической мысли. М., 1993.
4. Бауман З. Мыслить социологически. М., 1996.
5. Белла Р. Социология религии // Американская социология сегодня. Проблемы, перспективы, методы. М., 1972.
6. Бергер П. Приглашение в социологию. М., 1996.
7. Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. М., 1995.
8. Бурдьё П. Социология веры и верования социологов // Начала. М., 1994.
9. Вах И. Социология религии // Социология религии: классические подходы. Хрестоматия. Научная редакция и составление М.П. Гапочки и Ю.А. Кимелева. М., 1994.
10. Введение в общее религиоведение. – М.: Книжный дом “Университет”, 2001. – 576 с.

11. Вебер М. Протестантские секты и дух капитализма. - М., 1990.
12. Вебер М. Социология религии (Типы религиозных сообществ) // Избранное. Образ общества. М., 1994.
13. Всеволодов И.В. Бирма: религия и политика. – М.: Харьков, 1978. – 256 с.
14. Гараджа В. И. Социология религии. - М.: ИНФРА-М, 2005. - 348 с.
15. Гараджа В.И. Социология религии // Социология в России / Под ред. В.А.Ядова. М., 1998.
16. Гараджа Е.В. Социология религии в России // Развитие социологии в России (с момента зарождения до конца XX века) / Под ред Е.И. Кукушкиной. М., 2004.
17. Гарнак А. Сущность христианства //Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии. - М., 1996. - С.238-252.
18. Губман, Б. Л. Проблема единства знания в неотомизме Ж. Маритена // Вопросы философии. — 1980. — № 3. — С. 141—146.
19. Демьянов А. И. Религиозность: тенденции и особенности проявления (социально-психологический анализ). Воронеж, 1984.
20. Долгов, К. М. Социальный смысл эстетической концепции Жака Маритена // Вопросы философии. — 1963. — № 11. — С. 132—142.
21. Дюркгейм Э. Курс социальной науки // Эмиль Дюркгейм. Социология. Ее предмет, метод, предназначение. М., 1995. С. 167-198.
22. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. М., 1996.
23. Дюркгейм Э. Социология. Ее предмет, метод, предназначение / Пер. с фр., составление, послесловие и примечания А. Б. Гофмана.— М.: Канон, 1995.— 352 с.
24. Дюркгейм Э. Элементарные формы религиозной жизни. Тотемическая система в Австралии // Социология религии: классические подходы.

- Хрестоматия/Научн. редакция и сост. М.П. Гапочки и Ю.А. Кимелева. М., 1994. С. 35-69.
25. Зеленков М.Ю. Мировые религии: история и современность. – Ростов на Дону: Феникс, 2008. – 364 с.
26. Зиммель Г. К социологии религии // Избранное. Том первый - Философия культуры. М., 1996.
27. Ильин В.В., Кармин А.С., Носович Н.В. Религиоведение. – Сп-б.: Питер, 2007. – 240 с.
28. Йингер Дж. Социология религии как наука: функциональный подход // Религия и общество: Хрестоматия по социологии религии / Сост. В.И. Гараджа и Е.Д. Руткевич. М" 1996. С. 161-166.
29. Йингер Дж. Функциональный подход к религии // Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии / Сост. В.И. Гараджа и Е.Д. Руткевич. М., 1966. С. 166-170.
30. Круглов.В.А. Основы религиоведения. – М.: Минск. 2002. – 191 с.
31. Крывелев И.А. История религия. II Том. - М., 1976. – 256 с.
32. Кудрявцев В.В. Лекции по истории религии и свободомыслия / 3-е изд., испр. и доп. – Минск: ТетраСистемс, 1998. – 384 с.
33. Маритен Ж. Человек и государство. — М.: Идея-Пресс, 2000.
34. Меншинг Г. Сущность и задачи социологии религии // Социология религии: классические подходы: Хрестоматия по социологии религии. Научная редакция и составление М.П. Гапочки и Ю.А. Кимелева. М., 1994.
35. Парсонс Т. Американская социология сегодня. Проблемы, перспективы, методы. М., 1972. С. 25-36, 360-378.
36. Парсонс Т. Современный взгляд на дюркгеймову теорию религии // Религия и общество: Хрестоматия по социологии религии / Сост. В.И. Гараджа и Е.Д. Руткевич. М., 1996.
37. Парсонс Т. Структура социального действия // О структуре социального действия. М., 2002.

38. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс-Традиция, 2001. – 304 с.
39. Пирсоне Т. Социальная система и культура и Общества // О социальных системах. М., 2002.
40. Религия и общество. Очерки религиозной жизни современной России / Отв. ред и сост. С.Б. Филатов. - М.; СПб., 2002.
41. Религия и общество: Очерки религиозной жизни современной России. М.; СПб., 2002.
42. Религия и политика в посткоммунистической России. М., 1994.
43. Смелзер Н. Социология. - М., 1994. – 470 с.
44. Сорокин П. Система социологии. Петроград, 1920. Т. 2 // Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии. - М., 1996. - С. 259-266.
45. Трельч Э. Социальные учения христианских церквей и групп // Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии. - М., 1996. Церковь и секта. - С. 226-238.
46. Уайт Л. Государство-Церковь: ее формы и функции// Антология исследований культуры. Т. 1. Интерпретации культуры. - СПб., 2001.
47. Фюстель де Куланж Н. Гражданская община древнего мира. СПб., 1906 // Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии. - М., 1996.
48. Шишков, К. А. Современный неотомизм: история и политика в философии Ж. Маритена : Конспект лекций. — Тверь: Твер. гос. ун-т, 1999.
49. Шютц А. Формирование понятия и теории в общественных науках//Американская социологическая мысль: Тексты / Под ред. В.И. Добренькова. М., 1994.
50. Яблоков И.Н. Социология религии. М., 1979.

Интернет сайтлари

51. <http://www.nir.ru> Виртуальное сообщество и коммуникация в социальных науках.
52. <http://www.sociolex.ru> Лекции по социологии.

53. <http://www.isn.ru> Российская сеть информационного общества. Общая социология
54. <http://www.sociologu.ru> Социология в энциклопедиях.
55. <http://www.sociologu.ru> Центр социологического образования.
56. <http://www.krugosvet.ru> Энциклопедия Кругосвет. Универсальная научно-популярная онлайн-энциклопедия